БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 247 (1251)
17 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимотига амал қилиб, етилган масалаларни муваффақиятли равишда ҳал қилмоқда, келажакка ишонч билан қараб, дадил олға бормоқда. Коммунистик партия социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда совет халқи олдига янги вазифалар қўймоқда. Марказий Комитетнинг бу Пленуми қарорлари мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб вужудга келтириш программасини амалга ошириш учун умумхалқ курашини ташкил этишга даъват қилувчи чақириқ бўлади.

# Кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари

## *КПСС Марказий Комитети Пленумида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қилган докладнинг баёни*

Кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари масаласи, деди ўртоқ Хрушчев, Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми муҳокамасига қўйилди. Бу масала шу қадар муҳимки, Пленумимизнинг иши партиянинг қишлоқ хўжалигининг аҳволи учун халқ олдидаги сиёсий ҳисоботи бўлади, дейиш мумкин. Марказий Комитетнинг сентябрь, январь пленумлари ва ундан кейинги пленумлари, шунингдек, партиянинг Съезди қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг кенг программасини ҳар томонлама ишлаб чиқдилар. Марказий Комитет партияни ва бутун халқни бутун халқ хўжалигининг негизи бўлган оғир индустрияни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириш билан бирга, дон, гўшт, сут, жун, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни қисқа муддатларда кескин равишда кўпайтиришни таъминлашга чақирди.

Партия томонидан қишлоқ хўжалигига доир қабул қилинган тадбирларда Ленининг қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш асосида қишлоқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисидаги, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, халқ оммасининг ижодий роли тўғрисидаги, меҳнаткашлар фаровонлигини тинимсиз юксалтириш тўғрисидаги идеялари ўз ифодасини топди. Марказий Комитет қишлоқ хўжалигининг аҳволидаги катта камчиликларни дадиллик билан очиб ташлади, колхозлар ва совхозларнинг ривожланишига халақит бериб келган ҳамма ғовларни йўлдан улоқтириб ташлади. Партия қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги хатоларни кескин танқид қилганлиги ва халқни мавжуд камчиликларни тугатишга сафарбар этганлиги туфайли мамлакатимиз тагин ҳам кучли ва қудратли бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида мўлжалланган программанинг муваффақият билан амалга оширилганлиги Совет давлатини янада иқтисодий ривожлантиришга, унинг қудратини мустаҳкамлашга ҳамда совет кишиларининг турмуш даражасини оширишга улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Марказий Комитетнинг 1953 йил сентябрь Пленумидан кейин ўтган давр партия ва мамлакат ҳаётида, халқимиз ҳаётида тарихий аҳамиятга эгадир, деб айтсак, муболаға қилган бўлмаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин ўтган беш йиллик даврнинг аҳамияти ҳам шундаки деди Н. С. Хрушчев, партия томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли колхоз тузумининг кучи авж олиб кетди, унинг резервлари ишга солинди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мўл-кўл қилиб яратиш ва мамлакат қишлоқ хўжалигида тагин ҳам юксак меҳнат унумдорлигига эришиш вазифаси реал заминга қўйилди. Бу, коммунистик қурилиш иши учун, халқ фаровонлигини юксалтириш учун бебаҳо аҳамиятга эгадир.

Кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалиги босиб ўтган йўлини анализ қилар эканмиз, 1953 йилга келганда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи қандай бўлганлиги тўғрисида гапириб ўтиш керак бўлади.

Ўша вақтга келиб Совет Иттифоқи саноати анча муваффақиятларга эришган эди. Металл, ёқилғи, электр қуввати ишлаб чиқариш анча ошган эди, оғир индустриянинг ва енгил саноатнинг бошқа муҳим тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтирган эди. Саноат ишлаб чиқаришининг юксалганлиги, янги шаҳарлар ва саноат марказлари қурилганлиги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик ҳомашёсини илгарига қараганда анча кўп талаб қилмоқда эди.

Хўш, ўша вақтда қишлоқ хўжалигида аҳвол қандай эди?

Тўғма-тўғри айтиш керакки, ўша вақтда қишлоқ хўжалигида аҳвол оғир эди. Уруш етказган жароҳатларни колхозлар ва совхозлар гарчи тузатиб олган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг ишлаб чиқариш соҳасида эришган даражаси мамлакат эҳтиёжларини кондиролмас эди. Колхозлар ва совхозларга қилинаётган раҳбарликдаги катта камчиликлар ҳамда колхоз қурилишида ленинча сиёсат баъзи бир жиҳатдан бузилганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши орқада колмоқда эди. Агар, қишлоқ хўжалигининг 1948 йилдан 1953 йилга қадар бўлган давр ичидаги ривожланиш якунлари кўздан кечириладиган бўлса, буни пайқаб олиш қийин эмас. Аслини олганда шу йиллар давомида галланинг ялпи ҳосили ва галла тайёрлаш кўпаймаган эди. Сут етиштириш ҳам кўпаймаган эди, гўшт етиштиришнинг йиллик ўртача миқдори эса, мамлакатнинг уруш олдидан эришган даражасидан паст эди.

Меҳнаткашларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик ҳомашёсига бўлган эҳтиёжларини кондирмоқ учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қисқа муддатлар ичида тез ўстиришни таъминлаш, деб давом қилади Н. С. Хрушчев, Коммунистик партия олдида, совет халқи олдида сира кечиктириб бўлмайдиган ва ҳаётий муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Бу қийин вазифа эди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бир неча йил ичида ниҳоят даражада катта сакраш қилмоқ учун партия, ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари ғоят кўп куч ва ғайрат сарфлашлари керак эди.

Партиямиз барча меҳнаткашларнинг чексиз маддадига ва ижодий активлигига таяниб, жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни авж олдириб юборди, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг актуал проблемаларини белгилаб берди, Марказий Комитет сентябрь Пленумининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришни белгилаб берган программасини амалга ошириш учун олиб борилган умумхалқ курашига бошчилик қилди.

Партия бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, мамлакат қудратини янада мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш манфаатларини кўзлаб, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим иқтисодий масалаларини ҳал қилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда колхозчиларнинг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги принципи тикланди, бу эса, колхозчилар оммасининг меҳнат активлигини оширишга, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга ёрдам берди. Партия колхозлар ва совхозларни раҳбар кадрлар билан, шунингдек, қишлоқ хўжалик мутахассислари кадрлари билан мустаҳкамлади. Ишчилар синфининг қаҳрамонона куч ва ғайрати туфайли, қишлоқ хўжалиги жуда қисқа муддат ичида юз минглаб трактор ва миллионлаб ҳархил машиналар олди. Давлат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта маблағлар ажратди. Планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинди, бу эса, колхозчиларнинг ташаббускорлигини авж олдириб юборди, уларнинг ўз жамоат хўжалигини мавжуд имкониятлардан энг тўлиқ равишда фойдаланишни кўзда тутиб планлаштиришларига имкон берди. СССР меҳнаткашлари партия Марказий Комитетининг чақиригига жавобан ўн миллион гектарлаб янги ерларни ўзлаштирдилар, бу эса, дон етиштиришни кўпайтириш ва умуман қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Партия ва бутун совет халқининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун олиб борган кураши натижасида жуда катта ғалабага эришилди. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш кейинги беш йил ичида ундан олдинги беш йилдагига қараганда анча кўпайди, бу эса, совет кишиларининг турмуш даражасини юксалтиришда катта ижобий роль ўйнади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш кўпайиб борганлигини кўрсатувчи рақамларни айтиб беради. 1958 йилда (10 декабрга қадар бўлган маълумотларга кўра) 1953 йилдагига нисбатан дон тайёрлаш 191 процентни (шу жумладан, буғдой — 231 процентни), қанд лавлаги тайёрлаш 223 процентни, картошка тайёрлаш 130 процентни, сабзавот тайёрлаш 180 процентни, кунгабоқар тайёрлаш 165 процентни, пахта тайёрлаш 116 процентни, зиғирпоя толаси тайёрлаш 209 процентни, гўшт (тирик ҳолда ҳисоблаганда) 162 процентни (шу жумладан, чўчқа гўшти тайёрлаш 290 процентни), сут тайёрлаш 205 процентни, жун тайёрлаш 160 процентни ва тухум тайёрлаш 176 процентни ташкил қилди.

Умуман қишлоқ хўжалиги бераётган ялпи маҳсулот анча кўпайди. Қишлоқ хўжалиги 1949-1953 йилларда ўрта ҳисоб билан йилига салкам 300 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот бериб келган бўлса, 1954-1958 йилларда йилига (таққосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда) 400 миллиард сўмлиқдан кўпроқ ялпи маҳсулот бериб турди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигининг беш йил ичидаги ривожланиш якунларини анализ қилар эканмиз, Маленков, Каганович, Молотов, Булганин, Шепиловларнинг партияга қарши группаси тўғрисида яна бир марта гапириб ўтиш керак. Улар Марказий Комитет сентябрь Пленумининг ва КПСС XX съездининг қарорларини амалга оширтирмасликка, мамлакатимиз тараққиётининг туб масалаларида партиянинг ленинча бош йўлини ревизия қилишга уринди, ўзларининг фракциячилик ишлари билан партияни қай томонга судрамоқчи бўлганларини ўйлаб қарасангиз, гарчи улар партия аъзолари бўлиб қолган бўлсаларда, лекин бундай кишиларни ўртоқ деб аташга сира тил бормайди.

Бутун партия, бутун совет халқи бу фракциячи нифоқ солувчи группани якдил бўлиб қоралади. Партияга қарши бўлган, халқдан ажралиб қолган бу группа халқнинг ҳаётий манфаатларига қарши иш қилганлигини, ички ва ташқи сиёсатнинг ҳамма муҳим масалалари соҳасида КПСС XX съезди ишлаб чиққан партия йўлининг амалга оширилишига қарши кураш олиб борганлигини ҳар бир совет кишиси қишлоқ хўжалигида эришилган ҳозирги муваффақиятларни кўриб туриб, тагин ҳам кўпроқ англаб олмоқда. Марказий Комитет аъзолари бу нифоқ солувчилар группаси саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этишга, иттифоқчи республикаларнинг ҳамда маҳаллий партия ва совет органларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга нақадар зўр бериб қарши чиққанлигини сира унутганлари йўқ.

Маълумки, партияга қарши бўлган бу группа партиянинг қўриқ ерларни ўзлаштиришга қаратилган сиёсатига қарши чиққан эди. Ҳолбуки, мамлакат қўриқ ерларни ўзлаштирганлиги учунгина ялпи дон етиштириш ва тайёрлашни кескин равишда кўпайтирди, бу эса, халқ фаровонлигини кўтаришга, Ватанимиз қудратини тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга имкон берди.

Партияга қарши бу группа қишлоқ хўжалигида планлаштиришнинг янги тартибига қарши курашиб келди. Ваҳоланки планлаштиришнинг худди ана шу янги тартиби оммаининг ижодий ташаббускорлигини авж олдириб юборди, маҳаллий имкониятлардан тагин ҳам оқилона фойдаланишга имкон берди. Натижада колхозлар эндиликда худди ўша ерларнинг ўзидан анча кўп маҳсулот олмоқдалар. Партияга қарши бу группа илғор колхозлар ва совхозларнинг чорвачиликни тез юксалтириш ва аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан АҚШга энг қиска муддат ичида етиб олиш вазифасини ҳал қилиш учун бошлаб юборган ватанпарвардик ҳаракатини бўғиб қўйишга уринди. Ҳолбуки бутун халқ бу ҳаракатни кўлдаб-қувватлади ва эндиликда бу ҳаракат яхши натижалар бермоқда. Партияга қарши бу группа колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликларини гўшт, сут, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилишга қарши чиқди. Марказий Комитетни, бундай тадбирнинг амалга оширилиши мамлакатни чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни ислан чиқаради, деб қўрқитишга уринди.

Хўш, амалда нима бўлиб чиқди? Партия колхозчиларнинг хўжаликларини маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилиб, бу билан колхозчи деҳқонларнинг ижодий активлигини юксалтириб юборди. Натижада чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш камайиш ўёқда турсин, балки анча кўпайди, бу эса бутун совет халқи учун манфаатли бўлиб чиқди.

Партияга қарши группанинг партиянинг колхозларни мустаҳкамлашга ва колхозчиларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган энг муҳим тадбирларига қарши ҳаракат қилиб келганлиги шуни кўрсатадики, Молотов, Каганович, Маленков ва бошқалар қишлоқ хўжалигини тушунмаслиқларини кўрсатдилар, улар деҳқонларга нотўғри назар билан қараб, деҳқонларни социалистик қурилишга қаршилик кўрсатаётган кучлар, деб ҳисобладилар. Колхозлар ва колхозчиларга нисбатан Ленининг қарашларига зид бўлган бу сохта йўл амалда қишлоқ хўжалигида 1953 йилга келганда мавжуд бўлган қийин аҳволга олиб келди.

Дарҳақиқат, ҳар бир область ўзини ўз картошкаси билан таъминлаб ола берсин, деб Молотов томонидан киритилган, ва эътирозлар бўлишига қарамай, Молотовнинг ўзи қабул қилдирган таклифни қишлоқ хўжалигини юксалтириш манфаатларига мувофиқ келадиган таклиф деб ҳисоблаш мумкинмиди, ахир?

Ўша вақтдаги шароитда масалани шу тахлитда қўйиш мумкинмиди, ахир? Масалан, Москвани ва Ленинградни Москва ва Ленинград областларидаги колхозларнинг ўзларигина етиштирган картошка билан таъминламоқ учун картошка экиладиган майдонни жуда ҳам кенгайтириб юбориш керак эди. Хўш, колхозлар учун бунинг оқибати нима бўлар эди? Агар ўша вақтда картошканинг килограмми 2,5-3 тийиндан тайёрланганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, Молотовнинг таклифи қандай оқибатга олиб келишини билиб олиш қийин эмас. Бу таклиф колхозларга путур етказарди. Бундай шароитда колхоз қанча кўп картошка топширса, унинг ҳўжалиги шу қадар кўп барбод бўлар эди, чунки картошка етиштириш учун сарфланган харажатларнинг ўрнини қоплаш ўёқда турсин, ҳатто, бу картошкани давлатга топшириш учун этиб бериш харажатларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларидан маблағ қидириб топиш керак эди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам оғир аҳволда эди. Бинобарин, бу нарса колхозларни батамом хонавайрон бўлишига олиб келади.

Ёки Молотовнинг бошқа бир таклифини — қишлоқда тарқатиладиган заёмнинг миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги таклифини олиб кўринг. У ўзининг бу таклифини асосламоқ учун, колхозчилар заёмга ёзилишда кам қатнашмоқдалар, шаҳарлардагига қараганда заёмга камроқ ёзилмоқдалар, деган гапларни важ қилиб келтирган эди. Молотов бу таклифни ҳам қабул қилдиришга эришган эди. Заём миқдорини кўпайтириш маблағлар топиш вазифасини ҳал қилолмасди, албатта, лекин бу тадбир сиёсий кайфиятни ёмонлаштирарди, колхозчиларни кўпроқ заёмга ёзилишга ундай бердилар, аммо колхозларда даромад ғоят кам бўлганлиги сабабли, колхозчиларда бундай имконият йўқ эди. Ҳақиқатда қишлоқ хўжалигини ҳолдан тойдириб қўядиган бошқа бир талай таклифлар ҳам киритилган эди.

Марказий Комитет фош қилиб тор-мор келтирган, партия ва халқ ўз йўлидан уloқтириб ташлаган ожиз фракциячиларнинг бу манфур группаси нақадар шармандаю шармисор бўлганлигини энди ҳамма кўриб турибди.

Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалиги масаласида ишлаб чиққан тадбирлари муваффақият билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантирмоқ учун бу тадбирлар ҳақиқатан ҳам революцион аҳамиятга эгадир.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев деҳқончилик юксалиб бораётганлигини ва дон етиштириш кўпаяётганлигини айтиб берди. Дон проблемасини ҳал қилмасдан туриб, мамлакатнинг галлага бўлган эҳтиёжини қондириб бўлмайди, чорвачиликни юксалтиришга ва техника экинлари маҳсулотини етиштиришни кўпайтиришга эришиб бўлмайди.

Ҳақиқатда мамлакат дон етиштириш жиҳатидан революциядан олдинги Россияда эришилган даражада узоқ вақт қолиб келди.

Қишлоқ хўжалигининг аҳволи учун жавобгар бўлган кишилар, жумладан, Маленков мамлакатда галланинг етишмаётганлигини билармидилар? Улар буни билар эдилар, албатта. Бироқ, Маленков фактларга бутунлай хилоф равишда 1952 йилда партия съезднинг минбаридан туриб, мамлакатда донинг ялпи ҳосили 8 миллиард пудга етди ва дон проблемаси энди узилкесид ва батамом ҳал қилинди, деб айтди.

Ҳақиқатда эса, дон етиштириш соҳасидаги аҳвол бутунлай бошқача эди. Колхозлар ва совхозлар ўша давр учун ҳосилдорлик жиҳатидан энг яхши йил бўлган, ҳатто. 1952 йилнинг ўзида 8 миллиард пуд эмас, балки фақат 5,6 миллиард пуд дон ҳосили олган эдилар. 8 миллиард пуд дон ҳосили олинди, деб айтилган гап кўзбўямачиликдан, партия ва халқни алдашдан бошқа ҳеч ким эмас эди ва бу гап қишлоқ хўжалигида рўй берган жуда катта ўпирилишни яшириш мақсадида айтилган эди, чунки қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш Маленковга топширилган эди.

Дон хўжалигини юксалтирмоқ учун жуда ошириб чораларни амалга ошириш керак эди. Бу чораларни партия Марказий Комитети ишлаб чиқди. Бу чораларнинг энг муҳимлари қуйидагилар эди:

**биринчидан,** Сибирь, Қозоғистонда ва мамлакатнинг шарқи-жанубида кўп миқдорда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш керак эди;

**иккинчидан,** маккажўхори экишни кенгайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш, уни янги районларда экишни жорий қилиш керак эди; кам ҳосил экинлар ўрнига ҳосили кўпроқ бўлган дон экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни таъминламоқ учун экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқиш керак эди;

**учинчидан,** эскидан экин экиб келинган ерларда ҳосилдорликни ошириш ва нобудгарчиликни камайтириш ҳисобига олинаётган дон ҳосилини кўпайтириш керак эди.

Бу тадбирлар амалга оширилиши натижасида дон хўжалигини ривожлантиришда катта ўзгаришлар рўй берди.

Ўтган беш йил мобайнида дон экинлари экилаётган майдонлар 18,5 миллион гектар миқдорида, ёки 17 процент кўпайтирилди, донинг ялпи ҳосили 3 миллиард 472 миллион пуд, ёки 69 процент кўпайди. 1958 йилда эса, галла 1953 йилдагига қараганда 84 процент кўп тайёрланди. Бу йил давлат ҳаммаси бўлиб 3,5 миллиард пуд дон тайёрлади, бу эса партия ва халқнинг коммунистик қурилиш планларини амалга оширишдаги жуда катта ғалабасидир. Мамлакатимиз ўзининг бутун тарихида ҳеч қачон шу қадар кўп миқдордаги галлага эга бўлмаган эди.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги дон етиштиришни кўпайтирмоқ учун ҳал қилувчи шарт-шароит яратиб берди. Сибирь, Қозоғистон, Волгабўйи ва бошқа районлардаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бутун халқнинг актив ёрдамига таяниб, уч йил ичида 36 миллион гектар қўриқ ер очдилар.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш идеяси туғилганида, Молотов ва партияга қарши группанинг бошқа қатнашчилари партия ва давлатнинг бу тадбирига қарши чиқиб, қўриқ ерларни ўзлаштириш учун қилинадиган сарфлар ўзини қоплармайди ва бу иш иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас, деб исботлашга уриндилар. Ўтган йиллар бу бемаъни даъволарни пучга чиқарди ва қўриқ ерларни ўзлаштириш давлат учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб чиққанлигини кўрсатди.

Марказий статистика бошқармасининг ва Молия министрлигининг маълумотларига қараганда, давлат қўриқ ерларни ўзлаштиришга 1954-1958 йилларда 30 миллиард 700 миллион сўм пул сарфлаган. Шу давр ичида қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларда етиштирилган товар галла маҳсулоти ҳисобига давлат бюджетига қўшимча равишда 48 миллиард 900 миллион сўм пул тушган. Агар бу маблағдан қўриқ ерларни ўзлаштирмоқ учун сарфланган юқорида айтиб ўтилган харажатлар чиқариб ташланса, шу нарса маълум бўладики, давлат сарфлаган харажатларни қоплаб олиш билан бирга, яна бунинг устига шу давр ичида 18 миллиард сўмдан кўпроқ соф даромад олди.

Партия томонидан қилинган ишлар натижасида мамлакатнинг дон хўжалиги кейинги йилларда мустаҳкам негизга қўйилди.

Бутун қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган дон етиштиришни бундан буён ҳам ҳамма чоралар билан кўпайтириш, деди ўртоқ Н. С. Хрушчев, якин йиллар ичида деҳқончиликдаги асосий йўл бўлиб қолади. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, давлатнинг эҳтиёжларини тўла равишда кондирмоқ учун бизга тахминан 10-11 миллиард пуд галла керак.

Бундай савол туғилади: биз донинг ялпи ҳосилини қандай манбалар ҳисобига яна 2-3 миллиард пуд кўпайтиришимиз мумкин?

Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳозирги замон шароитида дон ҳосилини кўпайтиришнинг асосий ва ҳал қилувчи манбаидир.

Донинг ялпи ҳосилини кўпайтириб, 10-11 миллиард пудга етказмоқ учун колхозлар ва совхозлар дон экинларининг ҳар гектаридан ҳозирги вақтда олаётганларига қараганда тахминан 3-4 центнер кўп ҳосил олишлари керак. Бунинг учун бир қанча муҳим тадбирларни амалга ошириш зарур: қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш муддатларига қаттиқ риоя қилиш; якин икки-уч йил ичида тўғри алмашлаб экишларни жорий қилиш; уруғчилик ишини яхши йўлга қўйиш, дон экинларини ўғитлаш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев техника экинлари, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида гапиради. Марказий Комитетнинг сентябрь Пленуми белгилаб берган тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида колхозлар ва совхозлар техника экинлари ва сабзавот экинлари экиладиган майдонларни қисқа муддат ичида кенгайтирдилар, бу экинларнинг ялпи ҳосилини ва улардан олинадиган товар маҳсулотни кўпайтирдилар. Масалан, қанд лавлаги экилаётган майдон 1953 йилдагига нисбатан қариб 1 миллион гектар кўпайтирилди. Қанд лавлагининг ялпи ҳосили ҳам анча кўпайди. 1949-1953 йилларда лавлагининг ялпи ҳосили ўрта ҳисоб билан йилига 21 миллион тоннани ташкил килган бўлса, бу йил 54,1 миллион тоннани ташкил қилди, ёки 1953 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёдроқ кўпайди. Лекин биз якин йиллар ичида экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш йўли билан қанд лавлаги етиштиришни камида 70-78 миллион тоннага етказмоқ ва шу тариқа мамлакатнинг 9-10 миллион тонна қанд-шакарга эга бўлишини таъминламоқ учун олга томон яна бир қадам қўйишимиз керак.

Кейинги йилларда пахтачилик соҳасида ҳам маълум муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳар йили етиштирилаётган пахтанинг ўртача миқдори 1949 йилдан то 1953 йилга қадар бўлган даврда 3 миллион 487 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1954-1958 йилларда 4 миллион 204 минг тоннага етди ёки 717 минг тонна миқдорида кўпайди.

Совет Иттифоқининг пахтачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятлари шак-шубҳасиздир. Бизнинг мамлакатимиз пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни олиб турибди. СССРда пахта етиштириш революциядан олдинги Россиядагига нисбатан олти баравар кўпайди. Совет Иттифоқида пахтанинг ҳар бир гектаридан Америка Қўшма Штатларидагига қараганда бир ярим баравар кўп ҳосил олинмоқда.

Лекин эришилган натижалар билан хотиржам бўлиш ярамайди. Биз пахта етиштиришни етти йилликда 5,7-6,1 миллион тоннага етказишимиз керак. Колхозлар ва совхозлар пахтанинг ялпи ҳосилини қандай манбалар ҳисобига кўпайтиришлари мумкин? Пахтанинг ялпи ҳосили асосан ҳосилдорликни ошириш йўли билан кўпайтирилади.

Мамлакат зиғир ва конопля етиштиришдаги қолоқликни ўтган йиллар ичида тугатди. Кейинги беш йил ичида зиғирпоя толаси ва конопля тайёрлаш ўтган беш йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди.

Биз зиғир ва конопля етиштиришни бундан буён ҳам кўпайтиришимиз ва унинг таннархини камайтиришимиз зарур.

Мамлакат колхозлари, совхозлари мойли экинлар ҳосили етиштиришни анча кўпайтирдилар. Кейинги беш йил ичида мойли экинлардан йилига ўрта ҳисобда 3 миллион 700 минг тоннадан ёки, бундан олдинги беш йилдагига қараганда йилига 45 процентдан кўп ҳосил олинди. Кунгабоқар етиштиришда айниқса катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакат бундан беш йил аввал бўлган экин майдонларининг ўзидан бу йил 1953 йилдаги 2 миллион 630 минг тонна ўрнига, 4 миллион 540 минг тонна кунгабоқар ҳосили олди. Лекин биз бундан буён ҳам кунгабоқар етиштиришни янада кўпайтиришимиз, кунгабоқар экиладиган майдонларни кенгайтиришимиз, унинг ҳосилдорлигини оширишимиз зарур.

Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумидан кейин картошка ва сабзавот етиштириш кўпайди. Агар картошка ва сабзавотнинг миқдори назарда тутиладиган бўлса, шаҳарларнинг сабзавот ва картошкага бўлган эҳтиёжи асосан кондирилмоқда дейиш мумкин. Бироқ, сабзавот ва картошканинг таннархи ҳали ҳам анча баланд, уларнинг сифати эса, истеъмолчиларнинг талабларига ҳамиша ҳам яхши жавоб беради даражада эмас.

Қишлоқ хўжалиги юксалган ҳозирги шароитда сабзавот ва картошка етиштиришни янгича ташкил этиш, экин майдонларини ўринсиз равишда майдаланиб юборишдан воз кечиш, ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар ташкил этиб, уларни йил бўйи юқори сифатли, арзон мўл-кўл сабзавот бериб турадиган хўжаликларга айлантириш керак.

Боғдорчиликни ривожлантиришда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Кейинги беш йил ичида ҳаммаси бўлиб, 1 миллион 200 минг гектар ерда янги боғ ва токзорлар вужудга келтирилди. Биз боғдорчиликни, узумчиликни, цитрус мевалар ва чой етиштиришни бундан буён ҳам ривожлантиришимиз ва шу тариқа меҳнаткашларнинг меваларга, узумга ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўла равишда таъминлашимиз лозим.

Партия Марказий Комитети сентябрь Пленумида чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг орқада қолган тармоғи бўлиб қолганлигини, чорвачиликни юксалтириш соҳасида ҳал қилиш пайти келган чораларни амалга ошириш партия ва давлатнинг энг зарур вазифаларидан бири бўлиб қолганлигини тўппа-тўғри ва ошкора эътироф қилди.

Чорвачиликнинг орқада қолиб келганлиги фақат 1953 йилнинг кузида, яъни сентябрь Пленумида маълум бўлди, деб айтиб бўлмайди. Бизнинг чорвачилигимиз узоқ вақтдан бери орқада қолиб келган эди.

Бу факт очиқ кўриниб турганлигига қарамай, кўп ходимлар, жумладан, партия ва давлатнинг юқори мансабларида турган ходимлар ҳам чорвачиликнинг орқада қолаётганлиги ҳақида индамай келдилар. Булар орасида, бизнинг чорвачилигимиз юксалиб бормоқда, деб ўз нутқларида ошкора айтган ходимлар ҳам бор эди. Бундай мақтанчоқлик билан жамоат чорвачилигини муваффақиятли равишда ривожлантириш ва олға силжитиш мумкин эмас эди. Бу қолоқлик йилдан-йилга тобора кескин равишда сезилса борди.

Чорвачиликнинг қолоқлиги 1949 йилда сира тоқат қилиб бўлмайдиган тус олганидан кейин, колхоз ва совхоз маҳсулдор жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг уч йиллик плани қабул қилинди. Маълумки, бу планнинг тақдири яхши бўлиб чиқмади — бу план бажарилмай қолди, чорвачиликнинг қолоқлиги ҳам кучая берди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бу планнинг муваффақиятсизликка учраганлигига, барбод бўлганлигига нималар сабаб бўланлигини айтиб беради.

Колхозларда сигирлар секин кўпайганлиги ва маҳсулдорлигининг пастлиги натижасида мамлакатда сутнинг умумий маҳсулоти уч йил ичида фақат 2,8 миллион тонна, ёки 8 процент кўпайди. Гўшт етиштиришга келганда, уч йил ичида гўшт етиштириш жуда оз кўпайди ва асосан чорва молларнинг асосий қисмини сўйиш ҳисобига кўпайди.

Шуни айтиш керакки, сентябрь Пленумига қадар Марказий Комитет чорвачиликни юксалтиришга доир тегишли чораларни кўра олмади. Бундай чораларни кўришга, аввало, партия ва халқнинг ашаддий душмани Берия халақит берди, бу ишда партияга қарши группа қатнашчилари бўлган Маленков, Каганович, Молотов ҳам анчагина роль ўйнадилар, улар сўзда чорвачиликни юксалтириш керак, деб лоф уриб, амалда бу соҳада етилган тадбирларнинг амалга оширилишига йўл қўймаслик ва шу тариқа совет кишиларининг муттасил ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни барбод бериш учун бутун кучларини сарф қилдилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

# Кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари

## *КПСС Марказий Комитети Пленумида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қилган докладнинг баёни*

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари чорвачиликни тез юксалтириш учун кўп йиллар мобайнида биринчи марта йўл очиб берди. Пленум чорвачиликка раҳбарлик қилишдаги хатолар ва камчиликларни қаттиқ, омонсиз танқид қилиб, қишлоқ хўжалигининг бу тармоғини ривожлантиришга доир энг муҳим масалаларни ҳал қилишнинг янги йўлини кўрсатиб берди. Бу масалалар мамлакатнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари билан, қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ва, аввало, дон етиштиришни кўпайтиришнинг умумий проблемаси билан чамбарчас боғланган ҳолда кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми чорвачиликни ривожлантиришнинг энг кескин, туб масалаларини ҳал қилиб берди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштириш беш йил ичида қандай кўпайганлигини кўрсатувчи рақамларни айтиб беради. Гўшт етиштириш (сўйилган ҳолда ҳисоблаганда) 1958 йилда 1953 йилдагига нисбатан 2 миллион 100 минг тонна миқдорида, ёки 35 процент кўпайди, сут етиштириш 21 миллион 300 минг тонна миқдорида, ёки 58 процент, жун етиштириш 86 минг тонна миқдорида, ёки 37 процент, тухум етиштириш 7 миллиард 400 миллион дона миқдорида, ёки 46 процент кўпайди.

Гўшт, сут, жун ва тухум етиштиришнинг анча кўпайганлиги давлатнинг чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш учун шарт-шароит вужудга келтирди. 1958 йилнинг 10 декабригача бўлган маълумотларга қараганда, сут тайёрлаш 1953 йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравардан зиёдроқ кўпайди, гўшт тайёрлаш 62 процент, жун тайёрлаш 60 процент ва тухум тайёрлаш 76 процент кўпайди.

Энг муҳими шуки, кейинги беш йил ичида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш кўпайиб борганлиги билан бир қаторда ҳамма турлари чорва моллар сони ҳам кўпайиб борди. 1958 йилда 1953 йилдагига нисбатан мамлакатда қора моллар сони 24 процент (шу жумладан, сигирлар сони 28 процент), чўчқалар сони 41 процент ва қўйлар сони 29 процент кўпайди.

Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумидан кейин, деди ўртоқ Н. С. Хрушчев, чорвачиликни ривожлантириш соҳасида кўп ишлар қилинди. Энг муҳим чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида 4-5 йил ичида ҳақиқатан катта сакраш қилинди. Лекин булар муваффақиятларнинг фақат бошланғичигинадир. Эндиликда колхозлар ва совхозларнинг жамоат чорвачилигини жадал ривожлантириш асосида мамлакатда жуда қисқа муддат ичида гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотларни тўла равишда мўл-кўл қилиб вужудга келтирмоқ учун бутун кучни сарфлаш зарур.

Бу ишда бутун халқ манфаатларидан келиб чиқаётган энг муҳим, асло кечиктириб бўлмайдиган вазифа шуки, мамлакатнинг гўштга бўлган ҳамма эҳтиёжларини тезроқ қондиришимиз керак. Контроль рақамларда гўшт етиштиришни 1965 йилда 16 миллион тоннага етказиш мўлжалланади. Бу жиддий вазифадир. Партия ва халқ қўриқ ерларни очиш учун яқиндагина нақадар зўр куч билан ва кенг миқёсда курашган бўлсалар, сут етиштиришни кўпайтириш чоралари муайян мақсадни кўзлаган ҳолда нақадар жадаллик билан амалга оширилган бўлса, биз бу вазифани ҳам шундай зўр ғайрат билан, кенг миқёсда шундай зўр ҳаракат билан ҳал қилишимиз керак.

Гўшт етиштиришга шундай аҳамият берилаётган ҳозирги вақтда областлар, районлар, колхозлар, совхозларнинг чорвачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятларига, аввало, уларнинг гўшт етиштиришда эришган даражасига қараб баҳо бериш тўғри бўлади.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг баъзи резервларига тўхталиб ўтади.

Чорвачилик проблемаси социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳамиша энг мураккаб проблемаларидан бири бўлиб келди. Фактлар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда партиямиз бу проблемани ҳал қилиш йўлини очиб берадиган калитни топишга муваффақ бўлди. Биз чорвачиликнинг муттасил қолоқлигини тугатибгина қолмадик, шу билан бирга, уни юксалиш йўлига ҳам чиқариб олдик.

Бироқ, эришилган муваффақиятларимизга ортиқча баҳо бериш зарарли бўлур эди. Шуни назарда тутиш керакки, чорвачиликни юксалтириш учун чинакам кураш эндигина авж олмоқда, совет кишилари озиқа учун керакли юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларини, саноат эса кийим-кечак, пойафзал ва бошқа моллар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёни мўл-кўл қилиб оладиган бўлгандигина, чорвачилик проблемаси тўла равишда ҳал қилинди, деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Бу мақсадга эришмоқ учун ҳар қанча меҳнат қилсак арзийди!

Партия қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашни ташкил қилар экан, совхозларни ривожлантиришга катта эътибор беради. Партия ва ишда Ленининнинг совхозларнинг аҳамияти ва қишлоқ хўжалигини қайта қуришда совхозларнинг революцион роли тўғрисида берган кўрсатмаларига амал қилади. Биринчи совхозларни тузиш ва уларни ташкил этиш принципларини ишлаб чиқиш идеясини Ленин илгари сурган эди.

Шуни эътироф қилиб айтиш керакки, бир қанча йиллар мобайнида, 1953 йилга қадар совхозларга лозим бўлган даражада эътибор берилмасдан келди, совхозлардаги ишлаб чиқариш даражаси жуда паст бўлиб келди. Марказий Комитет совхоз қурилишида партия сиёсати бузилганлигини қатъиян қоралаб, совхозларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрди.

Бунинг натижасида совхоз ишлаб чиқариши жиддий равишда юксалиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Беш йил ичида юзлаб янги йирик совхозлар ташкил этилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 6 минг совхоз бор. Бу совхозларнинг 168 миллион гектар ери, шу жумладан, 58 миллион гектар ҳайдалаётган ери бор. Совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анчагина қисмини етиштириб бермоқдалар.

Совхозлар дон хўжалигини ривожлантиришда айниқса катта роль ўйнади. Совхозлар 14 миллион гектардан кўпроқ қўриқ ва бўз ерни мисли кўрилмаган даражада қисқа муддат ичида ўзлаштирдилар. Бунинг натижасида товар галла етиштиришда совхозларнинг салмоғи анча ошди. Совхозлар 1953 йилда фақат 225 миллион пуд галла топширган бўлса, бу йил 1 миллиард 371 миллион пуд, ёки мамлакатда тайёрланган ҳамма галланинг қарийб 40 процентини топширди.

Етти йиллик план проектида товар маҳсулоти етиштиришни янада кескин кўпайтириш соҳасида совхозлар олдига янги катта вазифалар қўйилган. Совхозларнинг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиши 1965 йилда 1957 йилдагига нисбатан 2-2,5 баравар кўпаяди, улар қанд лавлагини эса, давлатга тўрт баравардан зиёдроқ кўп топширадилар. Мамлакатда тайёрланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажмида совхозлар маҳсулотларининг салмоғи 1965 йилда дон бўйича қарийб 40 процентни, гўшт бўйича 32 процентни, сут бўйича қарийб 26 процентни ва жунининг қарийб учдан бир қисмини ташкил қилади.

Бу программани амалга ошириш совхозлар ишини тағин ҳам юқори даражага кўтаришни талаб қилади. Аввало, совхозлардаги ҳамма ходимларнинг назар-эътиборини тежаш ва тежамли бўлиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини, айниқса чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳар томонлама камайтириш масалаларига буриш ва шу тариқа совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини рентабель тармоқларга айлантириш керак.

Совхозлар бундан буён ҳам йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тўғри бошқаришда ўрнак бўлишлари, колхозларнинг ер ва техникадан яхши фойдаланиш учун меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун олиб бораётган курашларида уларга намуна бўлишлари лозим.

Партия социалистик индустрияга, ишчилар синфининг актив ёрдамига таяниб, деб давом этди ўртоқ Н. С. Хрушчев, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини кучайтириш соҳасида жуда катта ишларни авж олдириб юборди. Қишлоқ хўжалигини механизациялашга, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуришга кейинги беш йил ичида давлат 97 миллиард сўмдан кўпроқ, ёки ундан олдинги беш йилдагига қараганда қарийб 2,5 баравар кўп маблағ сарфлади, иккинчи, учинчи, тўртинчи беш йилликларни ва бешинчи беш йилликнинг уч йилини қўшиб ҳисоблаганда ҳам уларнинг ҳаммасида сарфланганига қараганда 50 процент кўп маблағ сарфлади. Бундан ташқари, колхозларнинг ўзлари техникани сотиб олишга ва қурилишга бундан олдинги беш йилликдаги 44 миллиард ўрнига 103 миллиард сўм кўп маблағ сарфладилар.

Қишлоқ хўжалигидаги техника қуввати ўтган беш йил ичида бир ярим баравар ортди. Ҳозирги вақтда социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 1 миллион 700 минг трактори, 700 мингга яқин юк автомобили, 500 минг галла комбайни, 120 минг силос йиғиштириб берадиган комбайни ва миллионлаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари бор. Қишлоқ хўжалиги замонавий машина техникаси билан қуроллантирилганлиги колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг меҳнатини енгиллаштирди, улар меҳнатининг унумдорлигини оширди.

Шу вақтгача саноатимиз ўзининг бутун куч-ғайратини қишлоқ хўжалигига мумкин қадар кўп трактор ва комбайнлар билан таъминлаб туриш вазифасини бажаришни давом эттирамиз. Лекин эндиликда асосий вазифа шуки, тракторлар ва комбайнлар ишлаб чиқаришни ҳаддан ташқари кўпайтиришга берилиб кетмаслигимиз, қишлоқ хўжалигига жуда ҳам керакли бошқа хил машиналарни ва, аввало, кўпроқ кишиларни оғир меҳнатдан қутқарадиган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтиришга, камроқ меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олишга имкон берадиган машиналарни керакли миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз лозим.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш, колхозларга ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатишни қайта қуриш қишлоқ хўжалигини янада механизациялаштириш соҳасида қўйилган жуда катта қадам бўлди. Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилинганидан кейин, орадан 10 ой вақт ўтди. Бу йил асосий қишлоқ хўжалик ишлари янги шароитда ўтказилди. Шунинг учун ҳам энди муайян хулосаларни чиқариш мумкин.

Бу хулосалар шуни кўрсатадики. МТСлар қайта ташкил этилганлиги ва меҳнат қуроллари ҳамда воситалари бир қўлда, колхозлар қўлида тўпланганлиги натижасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тез фурсатда мўл-кўл қилиб вужудга келтириш учун янги имкониятлар очилди. Иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб олган колхозлар техникани сотиб олишгачина қодир бўлиб қолмасдан, шу билан бирга техникадан моҳирлик билан фойдаланишга ҳам ўзларининг қодир эканликларини кўрсатдилар. Ҳозирги вақтда МТСларнинг 80 процентга яқини қайта ташкил қилиниб, ремонт-техника станцияларига айлантирилди. 55 мингдан кўпроқ колхоз, ёки колхозларнинг 81 проценти 21 миллиард сўмликдан кўпроқ қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олди.

Колхозларга борган вақтимда мен хечкимдан, техника колхозлар қўлига ўтганидан кейин ундан фойдаланиш ёмонроқ бўлиб қолди, деган гапни эшитганим йўқ. Колхозларнинг раисдари ва колхозчилар, энди ишлар яхши кетадиган бўлиб қолди ва ишимиз муваффақиятли бораётир, деб айтдилар.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев РТСларга таллаётган бир қанча конкрет масалаларни ва ҳозирча колхозларга хизмат қилиб турган МТСларнинг бундан буёнги тақдири масаласини муҳокамага қўйди.

Колхоз тузумини ривожлантиришда, жамоат хўжалигини юксалтиришда эришилган катта муваффақиятлар натижасида колхозларнинг даромадлари анча кўпайди. Колхозлардаги пул даромадларининг умумий миқдори 1952 йилда 42,8 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 1957 йилда 95,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

Колхозларнинг экономикаси мустаҳкамланганлиги, уларнинг даромади кўпайиб борганлиги асосида колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ошмоқда. Бу, аввало, меҳнат кунига тўланаётган пул ва натура ҳақининг кўпайиб бораётганлигида кўриниб турибди. Меҳнат кунига тўланаётган натура ҳаки ва пулнинг умумий миқдори таққосланувчи нархларда ҳисоблаганда 1952 йилдаги 47 миллиард 500 миллион сўмдан 1957 йилда 83 миллиард 800 миллион сўмга етди. 1958 йилда бу миқдор тағин ҳам зиёдроқ кўпаяди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбурияти бекор қилинганлиги туфайли колхозчилар ўз шахсий хўжаликларидан яна 3 миллиард сўмча қўшимча даромад оладилар. Ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда колхозчиларнинг реал даромаллари 1958 йилда 1952 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпайди.

Колхоз тузуми янада ривожлана бориши, колхозларнинг экономикаси мустаҳкамланиб бориши билан, ҳеч шубҳасиз, колхозчиларнинг фаровонлиги ҳам янада оша беради, уларнинг даромадлари кўпая беради. Бу — социалистик экономиканинг қонунидир.

Колхоз қишлоғининг турмуш даражасини ошириш тўғрисида гапирган вақтда, колхозчиларнинг шахсий хўжалиги тўғрисида сўзламай ўтмасдан бўлмайди. Колхозчи оиласининг бюджетида шахсий хўжаликдан олинаётган даромад ҳали ҳам анчагина ҳиссани ташкил қилади. Лекин колхозларнинг жамоат хўжалиги ўсиб бора бериши натижасида колхозчиларнинг шахсий хўжалиги ўз аҳамиятини аста-секин йўқота беради.

Ҳозирнинг ўзидаёқ хўжалиги энг бақувват колхозлар колхозчиларнинг картошка, сабзавотларга ва ҳатто сутга бўлган шахсий эҳтиёжларини қондириб турибдилар.

Фақат шаҳардагина эмас, колхозларда ҳам касалхоналар, мактаблар, болалар боқчалари ва яслилари билан бир қаторда нонвойхоналар, кирхоналар, яқин келгусида эса жамоат ошхоналари қуриш вақти келди.

Колхозчиларни, айниқса колхозчи аёлларни кам унум рўзғор меҳнатидан қутқариш масаласи фақат иқтисодий аҳамиятгагина эмас, шу билан бирга сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Колхозларнинг бўлинмас фондлари ўсиб бораётганлиги колхоз тузумининг ҳаётий кучини ва бақувватлигини кўрсатувчи энг муҳим белгидир. Бутун совет халқининг актив иштироки билан колхозчилар томонидан вужудга келтирилаётган бўлинмас фондлар колхозларимизнинг социалистик табиатини белгилаб беради, кооператив социалистик мулкнинг асосини ташкил қилади, кооператив социалистик мулк ривожлана борган сари умумхалқ мулкига яқинлаша беради, сўнгра эса, умумхалқ мулки билан батамом қўшилиб, битта коммунистик мулк бўлиб қолади. Бўлинмас фондларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш колхоз, кооператив мулкининг аста-секин ўсиб, умумхалқ мулкига айланишини таъминлайдиган энг муҳим шартларнинг биридир. Шу билан бирликда, бўлинмас фондлар колхозларнинг жамоат бойлиги ўсиб бораётганлигидан колхозчиларнинг фаровонлиги ошиб бораётганлигидан далолат беради. Шу сабабли, бўлинмас фондларни тўлдириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳамма колхозчиларнинг жонажон иши бўлиб қолиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кўпгина илғор колхозлар ўз қишлоқлари ва овулларини қайта қуришга киришиш учун етарли куч ва маблағ тўплаб олдилар. Буларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ обод социалистик қишлоқ қуриш ишида амалий қадамларни қўйдилар. Бу ишларнинг ҳаммасини партия ташкилотлари қўллаб-қувватлашлари керак.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев дедики, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган ва партия XXI съезди муҳокамасига қўйиладиган контроль рақамларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажмини 1965 йилда 1958 йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпайтириш мўлжалланади.

Меҳнат унумдорлигини колхозларда икки баравар, совхозларда эса 55-60 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши асосида колхозчиларнинг реал даромадлари етти йил ичида асосан колхозларнинг жамоат ишлаб чиқаришини ўстириш ҳисобига камида 40 процент кўпаяди.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигига қарийб 150 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Деҳқончилик ва чорвачилик товар маҳсулотининг ўсиши натижасида колхозлар оладиган даромадларнинг кўпайиши уларнинг ўз маблағларидан капитал қурилишларга катта маблағлар сарфлашларига имкон берди. Дастлабки ҳисобларга қараганда, колхозлар 1959-1965 йиллар ичида ишлаб чиқариш, маданий-маиший объектлар қурилишига, қишлоқларни обод қилиш ишларига 250 миллиард сўм ва техника сотиб олишга 95 миллиард сўм сарфлашлари мумкин.

Бу рақамлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда яқин етти йил ичида тутиладиган асосий йўлни белгилаб беради. Бу рақамларда аҳолининг ва умуман бутун мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қишлоқ хўжалик хомашёсига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришдаги тўғри пропорциялар белгилаб берилган. Бу рақамлар жуда реал рақамлар бўлиб, уларни маъқуллаш ва умумдавлат топшириғи тарикасида қабул қилиш керак.

Шу муносабат билан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш топшириқлари тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Қишлоқ хўжалиги юксалиб бораётган шароитда илғор колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси билан яқин йиллар ичида аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШга етиб олиш ҳаракати кенг авж олиб кетди. Партия ва бутун халқ бу ҳаракатни қўллаб-қувватлади.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев бу вазифани ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб беради.

Республикалар, ўлкалар, областлар ва районлардаги партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифаси шуки, ҳозир улар ҳар бир колхоз ва совхозда планларни конкрет ишлаб чиқишни ташкил этишлари керак. Жойларда мана шундай иш олиб боришнинг ўзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кескин равишда кўпайтирмоқ учун колхозлар ва совхозларнинг резервларини топиб, бу резервлардан тўлиқ фойдаланишимизга ёрдам беради. Бунда шуни эсда тутиш керакки, ҳар бир колхоз ва совхозда планларни ишлаб чиқиш оддий арифметика эмас, топшириқларни шунчаки тақсимлаб бериш эмас, балки бу ҳар қайси хўжаликнинг имкониятларини, ҳар қайси хўжаликдаги ишларнинг аҳволини ва раҳбарлик даражасини чуқур ўрганишни талаб қиладиган ишдир.

Шу нарсани жуда кескин қилиб уқтириб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни мўлжалланган миқдорда кўпайтириш меҳнат унумдорлигини анча ошириш негизида таъминланиши лозим.

Биз маҳаллий ресурслар ва имкониятлардан камроқ меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот олишни таъминлайдиган қилиб тўлиқ фойдаланиш учун дон, чорвачилик маҳсулотлари, техника экинлари ҳосилини, боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришни асосан зона, тупроқ, иқлим шароитларини ҳисобга олиб ташкил этишимиз керак.

Колхозларда ва совхозларда маҳсулот единицаси етиштирмоқ учун сарфланаётган меҳнатнинг миқдори ҳозирги вақтда бир-биридан анча фарқ қилади.

Галланинг ҳар бир центнерини етиштирмоқ учун сарфланаётган меҳнатнинг миқдори 1957 йилда колхозларда совхозлардагига қараганда: Қоратупроқли зона районларида 2,4 баравар, Волгабўйи районларида 2,6 баравар, Шимолий Кавказ районларида 3,0 баравар, Ғарбий Сибирь районларида 2,2 баравар, Қозоғистон ССРда 2,2 баравар ошиқ бўлди.

Сутнинг ҳар бир центнерини етиштириш учун сарфланган меҳнатнинг миқдори ўша йили колхозларда совхозлардагига қараганда: Қоратупроқли зона районларида 1,3 баравар, Волгабўйи районларида 1,4 баравар ошиқ бўлди. Шимолий Кавказ районларида бир хилда бўлди, Ғарбий Сибирь районларида 1,2 баравар, Қозоғистон ССРда 1,1 баравар ошиқ бўлди.

Замонавий техникага ва тажрибали кадрларга эга бўлган колхозларда ишлаб чиқариш даражаси илғор совхозлардагидан паст бўлмаслиги учун бизнинг социалистик тузум шароитида ҳамма асослар бор.

Ҳозир шундай давр келдики, бу даврда давлат билан колхозлар ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатлар батамом ўзгармоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпая борган сари маҳсулотларни мажбурий етказиб бериш зарур бўлмай қолади, унинг ўрнини умуман маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг эришган даражасини акс эттирадиган нархларда эркин сотиш ва харид қилиш эгаллайди.

МТСларни қайта ташкил қилиш, маҳсулотлар тайёрлашнинг янги тартиби ва ягона нархлар белгилаш масалалари юзасидан партия қабул қилган қарорларнинг тарихий аҳамияти ҳам шундан иборатки, булар давлат билан колхозлар ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатларда янги босқич бошланганлигидан дарак беради. Маҳсулотларни эркин сотиш принципи аста-секин хўжаликларнинг ҳамма тармоқларига жорий қилинади.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев колхозларда меҳнатни ҳисобга олиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш системаси тўғрисида гапириб, бу системани такомиллаштириш масаласини, шунингдек, қишлоқ хўжалик фанининг колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришидаги практикларга ёрдам кўрсатиш масаласини кўйди. Бу, деди ўртоқ Хрушчев, бундан беш йил муқаддам Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумида партиямиз ўша вақтда қишлоқ хўжалигида бўлган жиддий камчиликларни дадиллик ва қатъият билан очиб ташлаган эди, деҳқончиликни ва чорвачиликни кескин равишда юксалтиришнинг кенг программасини ишлаб чиққан эди. Бутун совет халқи қўллаб-қувватлагани бу программа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимотита амал қилиб, етилган масалаларни муваффақиятли равишда ҳал қилмоқда, келажакка ишонч билан қараб, дадил олға бормоқда. Коммунистик партия социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда совет халқи олдига янги вазифалар қўймоқда. Марказий Комитетнинг бу Пленуми қарорлари мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб вужудга келтириш программасини амалга ошириш учун умумхалқ курашини ташкил этишга даъват қилувчи чақириқ бўлади.

Яна бир арим ойдан кейин Коммунистик партиянинг XXI съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг яқин етти йилга мўлжалланган контроль рақамларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Бу эса, совет халқи қиладиган ишларнинг буюк программаси бўлади, бу программа мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги тарихий даврига—коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига кирганлигидан дарак беради.

---

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

# *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

**1958 йил 16 декабрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари» ҳақидаги доклади муҳокама қилина бошланди.**

**Эрталабки мажлисда Н. В. Подгорний (Украина КП Марказий Комитетининг секретари), Н. И. Беляев (Қозоғистон КП Марказий Комитетининг секретари), Г. А. Денисов (КПСС Саратов область комитетининг секретари), Г. И. Воронов (КПСС Оренбург область комитетининг секретари), И. К. Лебедев (КПСС Ставрополь ўлка комитетининг секретари), Ф. И. Дубковецкий (Украина ССР Черкасск областидаги «Здобуток жовтня» колхозининг раиси), З. Т. Сердюк (Молдавия КП Марказий Комитетининг секретари), А. М. Школьников (КПСС Воронеж область комитетининг секретари ), И. Г. Логинов (партиясиз ишчи, Қозоғистон ССР Павлодар области «Иртишский» совхозининг тракторчиси), А. С. Колесников (Краснодар ўлкаси КПСС Канев район комитетининг секретари), Я. Э. Калнберзин (Латвия КП Марказий Комитетининг секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.**

**Кечки мажлисда А. П. Кириленко (КПСС Свердловск область комитетининг секретари), К. Т. Мазуров (Белоруссия КП Марказий Комитетининг секретари), Ф. С. Горячев (КПСС Калинин область комитетининг секретари), Т. Улжабоев (Тожикистон КП Марказий Комитетининг секретари), И. К. Жегалин (КПСС Сталинград область комитетининг секретари), В. А .Теляковский (Оренбург области КПСС Адамов район комитетининг секретари), Т. С. Мальцев (Курган области Шадрин районидаги «Завети Ленина» колхозининг дала мудири), В. Е. Чернишев (КПСС Калининград область комитетининг секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.**

**КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.**

---

## Ўзбекистонда Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти бўлими тузилди

Меҳнаткашларнинг ва жамоат ташкилотларининг неча юзлаб вакиллари 16 декабрда Тошкентдаги адабиётчилар уйига Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти бўлимининг таъсис мажлисига тўпландилар.

Йиғилишни ташаббус группасининг топшириғига биноан чет эл билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Ғ. Гуломова очади. У доклад қилиш учун ўзбек шоираси Зулфияга сўз беради. Шоира Зулфия ҳинд халқи босиб ўтган тарихий йўл тўғрисида, Ҳиндистон республикаси мустамлакачилик зулмидан озод бўлганидан кейин хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлар ҳақида батафсил гапириб берди. Докладчи Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ҳамда узлуксиз мустаҳкамлана бориши тўғрисида гапириб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг эрксевар ҳинд халқининг ҳаёти билан жуда қизиқаётганлигини кўрсатадиган мисоллар келтирди. Ҳиндистон халқининг маданияти қадим замондаёқ ўзбек халқининг атоқли намояндаларининг эътиборини жалб қилиб келган эди.

Кейинги бир неча йил мобайнида, деди докладчи, Ўзбекистонга Ҳиндистондан 80 дан ортиқ турли делегациялар келиб кетди. Ҳинд артистларидан бир неча группаси Тошкентда ўз маҳоратларини намойиш қилиб кўрсатди. Ўзбекистондан ҳам санъат усталари, республиканинг кўпгина илмий ва жамоат арбоблари Ҳиндистонга бориб келдилар. Ҳиндистон киностудиялари томонидан яратилган фильмлар ўзбек кинотеатрлари экранларида зўр муваффақият билан кўрсатилмоқда. Неча минглаб ҳинд тамошабинлари ўзбек фильмларини кўрдилар. Ўзбекистонда 30 та ҳинд ёзувчисининг асарлари нашр этилди, ҳинд адабиёти классиги Рабиндранат Тагор асарларининг биринчи томи ўзбек тилига таржима қилиниб босиб чиқарилди. Унинг романи асосида Ҳамза номидаги театр «Ганг дарёсининг қизи» спектаклини саҳнага қўйди.

Йиғилишда Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом, «Ўзбексельмаш» заводининг токари Ш. Шоназаров, Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси республикада Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти бўлимининг тузилиши совет-ҳинд дўстлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлаб ўтди.

«Ташкенткабель» заводи ва Фарҳод ГЭС ишчи ва хизматчиларидан, Ўрта Осиё Давлат университети ва Андижон медицина институтининг профессорлари, ўқитувчилари ва студентларидан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти олимларидан ва бошқа коллективлардан олинган ва йиғилишда ўқиб берилган хатлар ва телеграммаларда республикада жамиятнинг бўлими тузилиши катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ёзилган эди.

Ҳиндистон республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси К. П. Ш. Менонлан ва Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти президенти академик Н. В. Цицинлан президиум номига келган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди. Уларга жавобан табрикномалар юборилди. Йиғилиш қатнашчилари Бомбейга Ҳиндистон-Совет маданий жамиятининг миллий кенгашига самимий табрикнома юбордилар.

Таъсис йиғилиши республикада Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти бўлимини тузиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. Бўлимнинг правлениеси сайланди.

Ўша куниёқ Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти Ўзбекистон бўлими правлениесининг биринчи ташкилий мажлиси бўлди. Правлениенинг раиси қилиб шоира Зулфия, раис ўринбосарлари қилиниб С. Азимжонова, И. Р. Арнаутов, Э. Эгамбердиев, А. Д. Додабоев, правлениенинг масъул секретари қилиб В. П. Трубников сайланди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

# Ишлаб чиқаришга конкрет раҳбарлик қилайлик

(БЕКОБОД ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Яқинда Бекобод шаҳар партия конференцияси бўлиб ўтди. Коммунистлар 1958 йилда саноат корхоналари, қурилишлар ва бошқа ишлаб чиқариш муассасаларида қўлга киритилган ютуқларга якун ясадилар ҳамда навбатдаги ишларнинг режаларини туздилар.

— Индустриал шаҳримизнинг меҳнаткашлари, — деди шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Ҳуснитдинов ўз докладида, — КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш учун мисли кўрилмаган ғайрат ва шижоат кўрсатаётирлар. Улар 11 ойлик ишлаб чиқариш программасини 105,4 процент бажариб, ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини адо этдилар. Шу вақт ичида пландан ташқари қарийб 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Кўп йиллардан буён орқада қолиб келган цемент комбинатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ҳам 1958 йил ишлаб чиқариш программасини дуруст якунламоқдалар.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия XXI съездида қиладиган доклади тезисларида, — дейди металлургия заводининг ишчиси ўртоқ С. Нуритдинов, — мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан янада унумлироқ фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Бироқ заводимизнинг мартен цехида печларнинг ишлаб чиқариш қувватидан ҳали ҳам яхши фойдаланилмаётир. Масалан, биринчи печь шу йилнинг сентябрь ойида капитал ремонтдан чиқарилган эди. Лекин унинг қувватидан нотўғри фойдаланиш оқибатида мартен печи тез кунда ишдан чиқиб қолди. Худди шундай аҳвол иккинчи печни ишлатишда ҳам рўй берди. Ана шу сабабларга кўра, ўтган 11 ой давомида ҳар иккала мартен печи 130 соат бекор туриб қолди. Прокат цехида ҳам механизмлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, «300» стан 106 соат бекор туриб 2,5 минг тонна прокат кам ишлаб чиқарди. Прокат ва мартен цехларининг партия ташкилоти ана шу камчиликларни ўз вақтида тузатиш имкониятига эга бўлса-да, бунга эътибор бермадилар.

Цемент комбинати бу йил қолоқликдан илгорлар даражасига чиқиб олаётир. Бу корхона коллективи ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш ҳамда янги техникани қўлланишда баъзи муваффақиятларни қўлга киритди. Аммо партия ташкилотининг орқада қолаётган цехларга кам эътибор бериши туфайли корхона ҳали ҳам тўла қувват билан ишламаётир. Бу тўғрида цемент комбинати партия бюросининг секретари ўртоқ С. Жабборов конкрет мисоллар келтирди.

Сўнгги йилларда Бекобод шаҳрининг маданий-маиший қиёфаси бекиёс даражада ўзгариб кетди. Уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилиши учун, шаҳар ободончилиги учун ҳар йили давлат томонидан 70 — 80 миллион сўмлаб маблағ ажратилаётир. Партия XX съезди бўлиб ўтганидан сўнг бу ерда жуда кўп ҳашаматли уй-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар — мактаб, болалар боғчаси ва яслилари, дам олиш уйлари, поликлиника ва касалхоналар ишга туширилди.

Шаҳарда саноат объектлари қурилишига ҳамда мавжуд корхоналарни реконструкция қилишга жиддий эътибор берилди. Ана шу мақсад учун 1958 йилда 70 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар партия комитети кейинги вақтларда уй-жой бинолари қурилишига кам аҳамият бермоқда. Шуни айтиш кифояки, 1958 йилда шаҳар бўйича 22 минг квадрат метр уй-жой бинолари фойдаланишга топширилиши керак эди. Холбуки ўн бир ой мобайнида атиги 4880 квадрат метр уй-жой биноси фойдаланишга топширилди.

Шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Мамадалиев шаҳар ободончилиги тўғрисида кўп гапирсада, лекин уй-жой қурилиши соҳасидаги ҳақиқий аҳволни рўй-рост очиб ташламади. Уй-жой қурилишининг гоят суст бораётганлигига асосий сабаб шуки, кўпинча бинокорлик материаллари ўз вақтида етказиб берилмайди. Бундан ташқари бинокорликда иш процессларини қисқартирадиган ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилган эмас. Шунингдек, сўнгги ойларда бу ерда қурилаётган йирик гишт заводида ҳам иш ниҳоятда секинлик билан олиб борилаётир.

Шаҳар комсомол комитетининг секретари Ю. Пустов, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири М. Растарина ва бошқа коммунистлар ўз корхоналари ва муассасаларидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида гапирдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари ўртоқ К. Бекаев нутқ сўзлади.

Шаҳар партия комитетининг янги состави ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Шаҳарком секретарлари қилиб И. Ҳуснитдинов ва Н. Гренадеров ўртоқлар сайландилар.

# Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилайлик

(МАРКАЗИЙ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Район хўжалиги ўзининг характери жиҳатидан пойтахтнинг бошқа районларидан катта фарқ қилади. Бу ерда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар билан бир қаторда, пойтахт аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишда катта роль ўйновчи кўп сонли муассасалар жойлашган.

Шу туфайли конференцияда доклад қилган райком секретари ўртоқ А. Шкуратов ва музокарада чиқиб сўзлаган делегатлар район партия ташкилоти ҳисобот даврида район хўжалигининг хилма-хил соҳасига раҳбарликни муваффақиятли амалга оширганини, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида тузук натижаларга эришилганини қайд қилдилар.

Район саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин — 29 ноябрда тўла бажарди. Пландагидан ташқари 29 миллион сўмлик маҳсулот иллаб чиқарилди. Маҳсулотнинг ҳажми 1957 йилдагига нисбатан 12,7 процент кўпайтирилди. Меҳнат унумдорлиги шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида пландаги 2 процент ўрнига 5,4 процент оширилди.

Шу билан бир қаторда саноат ишлаб чиқаришида катта камчиликлар ҳам юз берди. Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида корхоналарда брак маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида давлатга 9 миллион 587 минг сўм зарар келтирилди. Унумсиз харажатлар эса 430 минг сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Конференцияда район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга етарли эътибор бермаганликлари, районда уй-жой ва маданий-маиший қурилиш мутлақо қониқарсиз бораётгани алоҳида таъкидлаб кўрсатилди.

Районда уй-жой қурилиши юзасидан белгиланган йиллик план 10 ой мобайнида 60,7 процент бажарилган. Уй-жой биноларини фойдаланишга топириш кўрсаткичи эса янада паст 10 ой мобайнида ҳаммаси бўлиб 22,5 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жой биноси фойдаланишга топширилган. Бу йиллик планнинг атиги 32,8 процентини ташкил этади.

Электр лампалар заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Сорокин завод коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни 12 декабрда тўла бажаргани, янги етти йиллик план топшириқларини бажариш учун кураш олиб бораётгани ҳақида гапиргач, бундай деди:

— Завод ишчилари учун зарур маданий-маиший шароит яратиб берилмаганлиги уларнинг янада унумли меҳнат қилишига имкон бермаётир. Заводда клуб йўқ, ошхона талабга жавоб бермайди. Уй-жой ва болалар муассасаси етишмайди. Заводга хизмат қилаётган 157-қурилиш трести, ўтган йиллардагидек, бу йил ҳам жуда ёмон ишламоқда.

**Мен йирик корхоналарга хўжалик йўли билан уй-жой қуришга ижозат беришни таклиф этаман.** Шунингдек **районда икки сменалик ишчи-ёшлар мактаблари ташкил этиш зарур,** деб ҳисоблайман.

Тошкент трамвай-троллейбус трестининг коллективи шаҳар аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни яхшилашга даъват этилган. Трест коллективи ўз зиммасига юклатилган бу вазифани асосан яхши бажараётир.

Трест партия бюросининг секретари ўртоқ Икромов шу ҳақда гапирди. Шунингдек у, пассажирларга маданий хизмат кўрсатишда, йўл ҳўжалигини сақлаш ва вагонларни ремонт қилишда катта камчиликлар мавжудлигини таъкидлади.

— Ишимизда бу каби камчиликларнинг содир бўлаётганлигига, — деди нотиқ, — кўп жиҳатдан ремонт базасининг етишмаслиги сабаб бўлаётир. Янги ремонт базалари, троллейбус парки қуриш планлаштирилган. Бунинг учун смета бўйича 40 миллион сўм сарфланиши керак. Лекин республика госплани 1959 йил учун атиги 1 миллион 210 минг сўм, 1959-1965 йиллар учун эса 7 миллион сўм ажратган. Бу бизни жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

— Шаҳар аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, — деди делегат ўртоқ Петров, — ҳали қатор камчиликлар бор. Трамвай, троллейбус ва автобуслар тўхтайдиган жойларда пассажирлар ўтириши учун скамейкалар йўқ. Айрим кўчалар обод эмас, уларда дарахт кам.

Районда, умуман шаҳарда аҳолига савдо хизмати кўрсатишда катта камчиликлар мавжуд. Савдо ташкилотлари чинакам маданий савдони йўлга қўйиш, сут маҳсулотлари билан савдо қилишни яхшилаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар.

Делегатлар болалар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ишидаги камчиликларга ҳам катта эътибор бердилар. 3-поликлиника партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ясевич болалар муассасаларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун янги бинолар қуриш билан бир қаторда мавжуд боғча ва яслиларни кенгайтириш лозимлигини айтди. Район маориф бўлимининг мудири ўртоқ Бамбурова эса районда мактаб бинолари етишмаслиги сабабли, мавжуд мактабларда кўшимча хоналар қуриш ва мактаб биноларини кенгайтириш масаласини ўртага қўйди.

Конференцияда партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларда юз берган камчиликлар ҳамда унинг сабаблари ҳам очиб ташланди. Район партия ташкилотининг бу соҳадаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган амалий таклифлар киритилди.

Музокаралларда яна Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалар ва пахта химияси институтининг директори Усмонов, 2-авторемонт заводининг директори Хўжаев, район комсомол комитетининг секретари Захарина, район ижроия комитетининг раиси Ғуломова, Ўрта Осиё давлат университетининг проректори Столяров ўртоқлар ҳам чиқиб сўзладилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Хўжаев сўзлади.

Конференция кенг қарор қабул қилди. Район партия комитетининг янги составини, Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Райкомнинг бўлиб ўтган пленумида район партия комитетининг секретарлари қилиб А. Шкуратов, Х. Ғуломов ва А. Николаева ўртоқлар сайландилар.

Х. АБДУСАМАТОВ.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида экиндан бўшаган ерларни тез ва сифатли шудгор қилиш учун курашилмоқда. Суратда: (доирада) тракторчи Пак Андрей ва Лим Петер ўртоқлар. Улар смена нормаларини сурункасига ошириб бажармоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

# Пахта ҳосилини янада ошириш учун курашамиз

Бундан икки-уч йил илгари колхозимиз иқтисодий жиҳатдан анча қолоқ, кам ҳосилли қишлоқ хўжалик артелларидан ҳисобланарди. Чунки ўша йиллар мобайнида пахта майдонларини унумдор ерларга айлантириш соҳасида дуруст тадбирлар амалга оширилмади. Илғор агротехникани кенг қўлланишга, механизациядан тўла ва унумли фойдаланишга етарли эътибор берилмади. Бу йил эса хўжалигимизни ҳар тарафлама ривожлантириш мақсадида ишда кескин бурилиш ясадик. Колхозимиз аъзолари ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликларни йўқотиш, пахтанинг ялпи ҳосилини ошириш, шу йўл билан ўз хўжаликларини мустаҳкамлаш мақсадида астойдил курашдилар.

790 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 24 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган пахтакорларимиз бу йил барча майдонлардаги ғўзаларни узунасига ва кўндаланг тарпариш қилдилар. Илғорлар тажрибаси ва юқори агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда ғўзаларни озиқлантириш ва суғориш ишлари белгиланган муддатларда сифатли ўтказилди. Натижа ёмон бўлмади, ҳамма еримизда мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга эришдик. Механизациядан мақсадга мувофиқ фойдаланганлигимиз туфайли кўл меҳнатини камайтиришга, ўтган йилгига нисбатан бир неча юз меҳнат куни кам сарфланишига эришдик.

Бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини фидокорона меҳнатлари билан енга олган колхозимиз аъзолари пахта йиғим-теримини ҳам зўр ташкилотчилик билан ўтказдилар. Бригадаларараро социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилди, кўп минг килограммчи теримчилар ҳаракати кучайтирилди. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти томонидан теримчиларга, механизаторларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб беришга ҳаракат қилинди. Бу эса ўз навбатида барча кучни дала ишларига тўла сафарбар этиш имкониятини берди.

Ўзаро социалистик мусобақада Қобилов, Сарибоев, Ҳаққулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари олдинда бориб, пахта тайёрлаш давлат планини белгиланган муддатдан анча илгари ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу бригадаларда йиллик план шу кунга қадар 112-124 процентга етказиб адо этилди. Шу кунларда эса давлатга мажбурият ҳисобидан пахта топширилмоқда.

Биз кўп минг килограммчи теримчи хотин-қизлардан миннатдормиз. Уларнинг ҳалол меҳнатларини қанча мақтасанг арзийди. Холназарова, Омонқулова, Жалилова, Омонова каби илғор теримчилар шу кунгача хирмонга 7-10 тоннадан пахта, 3-4 тоннадан кўсак териб топширдилар.

Айниқса биз йиғим-теримда колхозимизга ёрдам берган мактаб ўқувчиларидан, Чирчиқ шаҳар меҳнаткашларидан хурсандмиз. Ховос районидаги 89-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари мавсумда 190 тонна пахта, 50 тонна кўсак тердилар. Бу, йиллик планимизнинг 12 процентини ташкил қилади. Шунингдек ўша райондаги 10, Сталин номли 24, ўз қишлоғимиздаги 27-мактаб коллективларининг ҳам умумхалқ курашига қўшган ҳиссаси катта бўлди.

Шундай қилиб биз бир неча йиллар давомида фақат шу йилгина колхозимиз бўйича пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари ошириб бажариб, мамлакатга гектаридан 24,4 центнердан ҳосил топширишга эришдик. Пахтанинг кўп қисми биринчи сортга топширилди.

Пахтакорларимиз бундан кейин ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашадилар. Бу йил мўл ҳосил етиштирганлигимиз учун колхозимизнинг даромади ошди, иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкамланиб олдик. Колхозчилар ўз меҳнат кунларига бу йил мўмай даромад оладилар.

Эришилган дастлабки муваффақиятлар колхозимиз аъзоларини эсанкиратиб қўймайди, албатта. Биз ўз ютуқларимизни мустаҳкамлаш йўлида барча зарур тадбирларни амалга ошираборамиз. Колхозимиз аъзолари республикамиз бўйича мамлакатга 3 миллион тонна пахта топириш юзасидан бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса кўшиш мақсадида ердаги ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олиб, давлатга яна 200 тонна «оқ олтин» топпиришга қарор қилдилар. Ана шу мақсад билан далаларда қизғин иш бормоқда. Биз ҳосилни йиғиб-теріб олиш билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ғўзапоялдан тозаланган ерлар ўғитланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

Колхозимиз аъзолари бундан буён илғорликни қўлдан бермайдилар. Районимизнинг бақувват «Коммунизм», Карл Маркс номли колхозларига тенглашиб олиш учун ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

З. ШОКИРОВ.

Боёвут районидаги Ленин номли колхоз раиси.

# Бекобод шаҳар меҳнаткашларининг катта муваффақияти

**Бекобод шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига кўшилиб, 1958 йил учун белгиланган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан 18 кун илгари — 13 декабрда 100,3 процент қилиб бажардилар. Саноат корхоналарининг меҳнаткашлари йил охиригача планга қўшимча равишда 14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида оширилган янги мажбурият олдилар, бу мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.**

# Райкомнинг янги секретари

ҲИКОЯ

Туш пайти. Катта тол тагидаги ҳовуз бўйига қурилган шинамгина дала шийпонида колхоз раиси Мавлонов бир неча киши билан энди оқкатланишга ўтирган эди. Ширакайф экспедитор Мўминов келиб қолди. Уни шу аҳволда кўрган раиснинг ғаши келди. Бир нима демоқчи эди, бу маҳал катта кўчада чанг кўтарилди. Бироздан кейин енгил машина кўринди. Бу таниш машинани кўриб, ҳосилот советининг раиси Бўронбоев ўрнидан турди.

— Райком секретари келяпти,— деди у машинадан кўзини узмай.

Дастурхон атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси ўринларидан даст турдилар. Бўронбоев билан экспедитор Мўминов дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Бригада бошлиғи Сатторов кетмонини кўтарганча қулоқбошига чопди. Мавлонов билан партия ташкилотизинг секретари Каримов келаётган машинага тикилганча қолди.

Енгил машина дала шийпонидан йигирма қадамча нарида тўхтади. Ундан райкомнинг янги секретари Иногом Ҳакимов тушди. Ўрта бўйли, буғдой ранг, қовоғи қалин, оғир табиатли бу кишининг қиёфаси жуда жиддий кўринарди. У устига ва оқариб кетган брезент этигига ўтирган чангни қоқиб бўлгач, олдига келган Мавлонов ва Каримов билан сўрашди. Раис Ҳакимовни дастурхонга таклиф қилди. Ҳакимов кроватда дастурхон устида шўрва қуйилган қатор косаларни кўриб кулди. Лекин унинг қалин қовоқлари кулганини яхши сездирмасди.

— Ие, икки киши беш косадан шўрва ичяпсизларми, — деди.

Раис нима дейишини билмай хижолат бўлиб пешонасини силади. Каримов дастурхонни тузата бошлади. Ҳакимов далага томон юра бошлаган эди, раис унга эргашди. Дала шийпони орқасида турган Бўронбоев Ҳакимовни кўриб ўнғайсизланди. Ҳакимов эса унга «ҳорманг» деди-да йўлида давом этди.

Ғўза оралари яхши бўшатилган, юрса одам тўпиғигача ботарди. Ҳакимов ғўза тагидаги тупроқдан бир сиким олиб кўздан кечирди.

— Ўртоқ Мавлонов колхозда гўнг йўқми, нимага минерал ўғитга аралаштириб солинмади?

Раис важ тополмади. Ҳакимов ҳамон илгарига қараб борарди. Бирдан у ўқариқнинг ичида чўзилиб ётган Мўминовни кўриб ҳайрон бўлди.

— Ие, бу ерда нима қилиб ётибсиз?

Раиснинг рангги ўчди. Мўминовга кўзини олайтириб қаради. Ҳакимов жавоб кутмай яна ғўзаларни кўздан кечира бошлади. Мўминов ўрнидан туриб нима қилишини билмай анграйганча қолди.

— Бу ғўзани қачон суғорасизлар?

— Сув қуя бошладик, — раис қулоқ бошида юрган бригада бошлиғи Сатторовга ишора қилди.

Дала шийпонига қайтиб келгач, Ҳакимов кровать четига омонатгина ўтирди. Бир бурда нон олиб оғзига солди. Ғўза парваришида тракторларнинг қандай ишлаётганини суриштирди. Ўзи бориб кўриб келган 3-бригадада бир трактор тўхтаб турганини, уни тезда тузатиш зарурлигини айтди.

Ҳакимов олдига келтириб қўйилган шўрвадан ичча ичди. Мавлонов «ҳозир Ҳакимов агротехника қоидалари бузилган, минерал ўғит гўнг аралаштирмай ғўзага солинган, бир трактор бузилиб ётган бўлса ҳам бехабарсизлар, одамларингиз бўлса ғўзанинг ичида бекиниб ётибди» деса керак деб турган эди. Лекин Ҳакимов «Ўртоқ Мавлонов тушунарли бўлса керак-а» дедида жўнаб кетди. «Ҳозир тоза ҳангома бўладиган бўлди» деб кутиб турган бу одамлар машинанинг кетидан жўтарилган чанг кўздан ғойиб бўлгунча қараб қолдилар. Раис кўлидаги папиросни зарда билан ерга ташлади. Мўминовга ҳўмрайиб қаради.

— Сизга қачон ақл киради, ҳаммамизни шарманда қилдингизку, — деди у.

— Мен ҳам бунинг шу маҳалда бу ерда ўралашиб юрганига ҳайронман. Тагин Ҳакимовнинг келаётганини билиб туриб, бошини кўтарганини айтмайсизми, товба..., — деди Бўронбоев.

— Нимага қочасиз, нимага ғўзанинг ичига кириб ётасиз, э хом сут эмган банда. Келиб-келиб янги секретарь келганда ҳунар кўрсатганингизни қаранг-а, — раис бўғилди, асабийлашди.

Раисга ҳаммадан ҳам Ҳакимовнинг шу воқеани кўриб туриб индамай кетгани жуда таъсир қилди. Нима учун у индамай кетаверди? Агар ҳозир Ҳакимовнинг ўрнида райкомнинг собиқ секретари Усмондиёров бўлганида тоза тўполон қилиши турган гап эди. Ҳакимов бўлса ундай қилмади. Нега? Фақат у «ўртоқ Мавлонов тушунарли бўлса керак-а» деди. Бу нима дегани? Раиснинг кўнглида қандайдир ғашлик ва шубҳа пайдо бўлди.

Аслида ҳозир бундай кўнгилсиз ҳодисанинг юз беришига ҳам Усмондиёров айбдор эди. Бундан икки йил илгари қор лопиллатиб ёғиб турган пайтда «Ғайрат» колхозининг активлари чойхонада ош қилишиб турганларида Усмондиёров келиб қолди. Ҳамма уни ҳурмат билан ошга таклиф қилди. Лекин Усмондиёров қизарди, бўзарди, ҳаммага қараб қичқирди. Дамлаб қўйилган тайёр ошни ҳам едирмай уларни райкомга олиб кетди. Бюрода уларни тикка турғизиб қўйиб ҳамманинг олдида «мана, «Ғайрат» колхозининг маишатпарастлари, булар шудгор қилиш ўрнига маишат билан овора» деб роса тобларини олди. Шундан бери районда қандай мажлис бўлса «Ғайрат» колхози ҳақида Усмондиёров бир нима демаса кўнгил ўрнига тушмас эди. Шунинг учун бу колхоз аъзолари Усмондиёровнинг қорасини кўрсалар қочадиган, унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиладиган бўлиб қолган эдилар.

Ҳакимовнинг индамай кетганидан колхоз партия ташкилотининг секретари Каримов бошқача хулоса чиқарди.

— Ўртоқ Ҳакимов анча культурний, оғир йигитга ўхшайди,— деди у.

— Бе, — деди Бўронбоев эътироз билдириб, — сал ҳавосини олгунча-да, кейин ҳунарини кўрсата беради. Усмондиёров ҳам янги келган вақтида шунақа культурний йигит экан деган эдик. Кейин нима бўлди? Синамаган отнинг сиртидан ўтма дейдилар, ҳа...

Бўронбоевнинг Ҳакимов ҳақидаги бу фикрини ҳеч ким тасдиқлаганди ёки рад ҳам этмади. Бироз жимлик ҳукм сургач, ҳамма индамай ўз ишига қараб кетди. Фақат Деҳқонбой Мавлонов ўтирган жойида ҳаёл суриб қолаберди.

Деҳқонбой Мавлонов паст бўйли, оддийгина кийиниб юрадиган кўримсиз киши эди. Унинг ташқи қиёфасини кўрган киши раис ҳам деб ўйламасди. Лекин у жуда ориятли, камгап, ўз сўзининг устидан чиқиш учун ҳаракат қиладиган, рост гапни дангал гапирадиган киши эди. У хўжаликни тежаб-тергаб бошқаради. Мавлонов раис бўлгандан бери «Ғайрат» колхози анча шуҳрат қозонди. Планлар бажарилиб турди, қишлоқ обод бўлди. Шунинг учун колхозчилар уни ҳурмат қиларди. Лекин нима бўлдию, Усмондиёров райкомга секретарь бўлиб келгач, Мавлоновнинг «омади» кетди. Бунга бир томондан Мавлоновнинг тўғри сўзлиги, ўз фикрини дангал гапиргани ва райондан нотўғри план берилгани, шу туфайли колхозда икки йил план бажарилмай қолгани сабаб бўлди.

Бир куни Мавлонов райком бюросида ҳосил белгилаш масаласида Усмондиёров билан тортишиб қолди.

— Биз ўзимизни ҳам, райком бюросини ҳам алдашни истамаймиз. Мен етти йилдан бери шу колхозга раис бўлиб, ҳали колхоз бўйича ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олинганини билмайман. Илгари бизда 13 центнердан ҳосил олинарди. Ҳозир буни 31 центнерга етказдик. Энди бир йилда ҳосилни 36 центнерга етказасан дейиш нотўғри. Ақлга тўғри келмайди. Бу план ўйланмай тузилган. Агар бир-икки центнер оширилсин дейилганда ҳам бошқа гап эди, — деди Мавлонов.

Усмондиёровнинг сочлари тикка бўлиб кетди. У ўйламай-нетмай қичқира бошлади.

— Сиз нима, райкомнинг бюро қарорига қаршимисиз?! Ҳой, ўртоқ Мавлонов, кўзингизни очинг, нималар деётганингизни тушунасизми?! — сўради дўқ уриб Усмондиёров.

— Жуда яхши тушунаман, ўртоқ Усмондиёров, тушунганим учун гапиряпман. Мен бугун бу ерда «хўп бажарамиз» деб кетаберганим билан иш битмайди. Ҳар қандай қарор шароит ҳисобга олинган ҳолда чиқарилиши керак. Ҳавойи гап билан пахта бўлмайди.

— Бажарасиз, қани бажармай ҳам кўрингчи. — деди Усмондиёров, қатъий буйруқ бериб.

— Агар бизнинг фикримиз инобатга олинмаса нима учун бизни бу ерга чақирдинглар. Нотўғри нарсани ҳам тўғри деяберайликми? — деди ниҳоят Мавлонов.

Мавлоновнинг бу ҳақ гапи уни қанча ташвишларга солди. Усмондиёров бу «ўжар» одамни ўз йўлига солиш учун нималар қилмади. Олдин Усмондиёров Мавлоновга «ошхўр, маишатнараст» деб лақаб қўйган эди. Шу воқеадан кейин уни «консерватор» деб атайлиган бўлди, Шу-шу бўлди-ю, районда ўтказиладиган қандай мажлис бўлса, Мавлонов тилга олинар, Усмондиёров уни қилдан қийиқ топиб «танқид» қилаберар эди. Дастлабки пайтларда Мавлонов бунга асло чидай олмади. У колхоздаги иш тўғрисида эмас, кўпроқ ўзининг бундай аҳволга тушиб қолганини ўйлай бошлади. Ишдан кўнгли совуди. Анча маҳалгача касал ҳам бўлиб ётди. Ниҳоят у райкомга «мени раисликдан бўшатишларингни сўрайман» деб ариза ҳам берди. Усмондиёров Мавлоновнинг раисликдан бўшатилишига қарши эмас эди. Лекин колхозчилар рози бўлмадилар. Шундай бўлса ҳам Усмондиёров Мавлоновга нисбатан муносабатини сира ўзгартирмади.

Орадан анча вақт ўтди. Ҳар мажлисда тилга олина берганидан райондагилар киноя билан «Мавлонов Усмондиёровнинг эркатойи» дейиган бўлиб қолдилар. Мавлоновнинг ўзи ҳам бора-бора бу гапларга анча кўникиб, эти ўлиб, минг «танқид» қилинса ҳам парвойи-палак, «хўп бажарамиз» деб кетаберадиган даққи бўлиб қолди. Мавлонов шу воқеаларни бирма-бир эслади. Лекин янги секретарь Ҳакимов олдида бугунги воқеанинг юз бериши уни яна қаттиқ хижолат қилиб қўйди.

* * *

Ҳакимов кенг пахтазор дала йўлларидан борар экан, «Ғайрат» колхозида ҳозиргина кўрган воқеани эслаб ҳайрон бўлди. Нима учун улар райком секретаридан бунчалик ҳайиқишади? Бу одамлар қочиб юришса райком секретарининг қўлидан нима иш келади, деб ўйлади. Бу аянчли факт Ҳакимовни ташвишлантириб қўйди. Ҳаётки бу ердаги одамлар райком секретарига ўз дардини бемалол ва дадил айтолмаса? Чўчиб ёрдам сўрамаса ёки бирор маъқул маслаҳат бермаса? Одамлар ўзларини панага уриб юришса қандай ишлаш мумкин?

Ҳакимов «Ғайрат» колхозига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Баъзи кунлари бутун далаларни қайта-қайта айланиб кўрарди. Бир куни тушда Ҳакимов дала шийпонига келиб чой ичди. Раис ҳам, колхоз активлари ҳам ҳозир Ҳакимов анову кунги воқеа ҳақида гап очса керак, деб кутиб туришди. Лекин у қандайдир латифа айтиб уларни кулдирди. Ҳазилтоифа гаплашиб ўтирди. Сўнгра ер шароитини суриштирди. Бу ерлар илгари тўқай бўлгани учун зах экилгини аниклади.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

# УЧ МИЛЛИОН

ТОННАНИ ТЎЛДИРИШ ҲИСОБИГА 1958 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН РАЙОНЛАР ОЛГАН

МАЖБУРИЯТ

(Тонна ҳисобида)

| | | | |
|---|---|---|---|
| Оққўрғон | 1000 | Мирзачўл | 702 |
| Оҳангарон | 50 | Қуйи Чирчиқ | 630 |
| Боёвут | 650 | Оржоникидзе | 450 |
| Бекобод | 1000 | Октябрь | 1500 |
| Бўстонлиқ | 183 | Пискент | 1300 |
| Бўка | 1015 | Урта Чирчиқ | 500 |
| Верхне-волинск | 500 | Сирдарё | 1600 |
| Юқори Чирчиқ | 350 | Уртасарой | 650 |
| Гулистон | 700 | Чиноз | 1000 |
| Калинин | 112 | Янгийўл | 1200 |

Суратда: Тошкентдаги 99-болалар ўйинчоқлари магазини ёнида очилган арча безаклари сотувчи магазинда.

В. Салов фотоси.

# Муҳим қўлланма

Республикамизда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу туфайли етиштириладиган ҳосилни машинада йиғиб-териб олишга катта аҳамият бериш, техникадан кенг фойдаланиш ахтиёжи туғилаётир. Эндиликда пахта терадиган ва тозалайдиган ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан борган сари кенгроқ фойдаланиш зарур бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Пахта терадиган ва тозалайдиган машиналар» китоби бу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Китоб қишлоқ хўжалик механизаторлари, механизация мактабларининг ўқувчилари, техникум ва институт студентларининг пахтачилик механизациясини ўрганишлари учун қўлланма сифатида ёзилган. Рус ва

ўзбек тилларида нашр этилган бу китобни техника фанлари доктори профессор Г. А. Кошевников таҳрир қилган. Уни ёзишда пахтачилик бўйича Махсус Давлат конструкторлик бюросининг конструктори, Сталин мукофоти лауреати М. Н. Марков, техника фанлари кандидати М. И. Ландсман, СоюзНИХИнинг илмий ходими И. С. Давидов, инженерлардан А. В. Бутарин, П. Ф. Глазатов, Н. Г. Иомдин, В. К. Куценколар қатнашганлар.

Биринчи марта нашр этилган бу китобнинг республикамиз ҳамда Ўрта Осиё республикалари пахтакорлари учун муҳим қўлланма бўлиб қолиши шубҳасиздир.

К. ОРИФХОНОВ.

# ЯНГИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланган. Гўё бу камлик қилгандек ҳавони қоплаб олган булут ерга яна қор учқунлари сепади. Капалакдек учиб юрган қор учқунлари узоқ сафардан чарчаб қайтган йўловчидай учраган жойга қўнади. Чиройли қилиб безатилган арча атрофини давра қилиб уйнаётган шўх болалар чексиз хурсанд. Тасвирланган бу манзара анъана тусига кириб қолган Янги йилни кутиб олиш маросимини эслатади.

Ҳаммани бир ёш улғайтирадиган, янги-янги ютуқлар ваъда қиладиган Янги йилни кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўриш одат бўлиб қолган. Тошкент шаҳар савдо бўлими Иркутск ва Новосибирск шаҳарларига заказ қилган 40 вагон арчадан ҳозир 13 вагони келтирилди. Бу арчалар бугун-эрта харидорларга тарқатилади.

Госпитальний, Шайхантавур бозорлари, Киров, Комсомол, Бируний майдонлари ва Фрунзе районининг ёғоч-тахта складида арча сотиш пунктлари ташкил этилади.

— Саноат моллари билан савдо қилувчи катта магазинларда ва Тошкент универмагида арча безаклари билан савдо қилувчи махсус бўлимлар очилди, — дейди шаҳар савдо бўлимининг ходими Ўртоқ Пужец. — Бундан ташқари Театр, Фрунзе, Комсомол, Бируний майдонлари ва экскаваторчилар шаҳарчасида турли эскизлар билан безатилган савдо будкалари ташкил этилади. Октябрь ва Олой бозорларида очиладиган Янги йил бозори ўн кунгача харидорлар хизматида бўлади.

Болалар учун шаҳар савдо бўлими жуда кўп совғалар тайёрламоқда. Чиройли қоғоз халтачаларга солинган ширинликлардан иборат 460 минг совға ва турли ўйинчоқлардан иборат 40 мингта совға 20 декабргача тайёр қилиб қўйилади. Янги йил арафаси — яъни 29-30 ва 31 декабрларда шаҳардаги озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи магазинлар кечқурун соат ўнгача ишлайди.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

## Совет-Чехословакия илмий-техника ҳамкорлиги

Совет-Чехословакия илмий техника ҳамкорлиги комиссиясининг XIV сессияси яқинда Москвада ўз ишини тамомлади.

Комиссия кейинги сессиядан бери ўтган вақт ичида иккала мамлакат ўртасидаги илмий техника ҳамкорлиги янада ривожланганлигини қайд қилиб, техника ҳужжатларини ва нусхаларини бир-бирига текин топшириш тўғрисида, саноатнинг бир қанча тармоқлари мутахассисларини бир-бирига юбориш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилди.

Совет металлургиясининг бир қанча илмий техника муваффақиятлари тўғрисидаги докладлар чехословак томонига топширилди; Чехословакия эса техника соҳасидаги ўз янгиликлари тўғрисида Совет томонига ахборот берди.

СССР ва Чехословакия илмий тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган тадбирлар тасдиқланди.

Шунингдек, илмий ва техника-иқтисодий информация соҳасида иккала мамлакатнинг тегишли ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. (ТАСС).

## БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НОСИР РАУНТРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ҚОҲИРА, 15 декабрь. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикаси президенти Гамол Абдил Носир шу ерга келган АҚШ давлат секретари ёрдамчиси Уильям Раунтрини кеча қабул қилган.

«Алахром» газетаси Раунтрининг Носир билан учрашувига тўхталиб, бундай деб ёзади: «Бизга маълум бўлишича, Раунтри ўзи билан ҳеч қандай махсус таклифларни олиб келмаган ва Яқин Шарқ проблемалари тўғрисида ҳеч қандай алоҳида фикрлар айтмаган. Раунтрига унинг Қоҳирада олиб борган музокаралари қандай характерда бўлганлиги ҳақида савол берилганида у, бу ерда музокаралар олиб бормаётганлигини, балки мавжуд вазиятга баҳо беришнигина истаганлигини айтган».

«Алахром» газетаси шуни ҳам хабар қиладики, Американинг Бағдоддаги элчихонаси Раунтрининг Бағдодга бориши норозилик туғдириши ва намойишларга сабаб бўлиши мумкинлигидан қўрқиб, Ироқ ҳукуматидан «хавфсизлик учун махсус чоралар» кўришни илтимос қилган.

## Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 15 декабрь. (ТАСС). Ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масала юзасидан уч давлат кенгашининг бугун навбатдаги мажлиси СССР вакили раислигида ўтди.

АҚШ делегацияси халқаро контроль ташкилотнинг фаолияти тўғрисида тўрт модда лойиҳасини кенгаш муҳокамасига тақдим этди. Бу моддалар контроль комиссиясининг функциялари тўғрисидаги, контроль ташкилоти конференцияси тўғрисидаги, контроль ташкилотнинг маъмури ва халқаро ходимлари тўғрисидаги ҳамда аниқлаш ва идентификация системаси тўғрисидаги масалаларга тааллуқлидир.

Кенгаш мажлисида ана шу лойиҳалар ҳамда ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги шартноманинг бажарилишини контроль қилувчи ташкилотни таъсис этиш тартибини ва унинг фаолиятини белгилайдиган асосий қоидалар тўғрисида СССР делегацияси тақдим этган ҳужжат муҳокама қилинди.

Навбатдаги мажлис 16 декабрга тайинланган.

# Республика спортчилари ғалаба билан қайтдилар

Кеча кўплаб спортчилар, спорт ишқибозлари, республика физкультура ходимлари Хитой Халқ Республикасидан қайтган «Пахтакор» футболчилари ва штангачилар терма командасини кутиб олиш учун пойтахт аэродромига тўпланишди.

Ўзбек спортчилари Хитой Халқ Республикасида 20 кун бўлдилар. Пахтакорчилар бу вақт ичида Пекин, Чань-чун, Ухань, Шень-янь ва Шанхайда кучли командалар билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Бу шаҳарларда ўтказилган беш ўйиндан «Пахтакор» командаси уч ўйинни ғалаба билан тугалладилар. Икки ўйин эса дуранг бўлди. Футболчилардан Козеньков, Азизхўжаев, Виткалов, Шеффер, Моторин, Красницкий, Власов, Беляков, Юсупов ва бошқалар ўзларининг юксак футболчилик санъатларини намойиш қилдилар.

Шунингдек республикамиз штангачилари ҳам катта муваффақият қозондилар. Улар Сиянь шаҳрида ўтказилган мусобақада юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Ўзбек штангачилари Шанхай спортчилари устидан ҳам ғалаба қозондилар. Бунда атлетикачи Г. Петросов ва П. Шариповларнинг юксак маҳоратларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Ўзбекистон спортчиларининг Хитой Халқ Республикасида бўлиши бу икки қардош халқ ўртасидаги бузилмас дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

# Райкомнинг янги секретари

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Бир куни районда бўлган мажлисда Ҳакимов «Ғайрат» колхозида кейинги вақтда ғўза парвариши яхши олиб борилаётганини айтиб, баъзи одамларни мақтади. Аммо ерлар заҳкаш бўлишига қарамай, ғўзани қўш эгат қилиб суғоришга эътибор берилмаганини кўрсатиб ўтди. Шундан сўнг мажлисда аноғу-гап очилиб кетмаса ғўрга эди деб ҳовотирланиб ўтирган «Ғайрат» колхозининг активлари ўзларини бироз енгил ҳис қилдилар.

Орадан қийин вақт ўтгач, райком бюросида бошқача хижолатпазлик бўлди. Ҳакимов тўсатдан «Ғайрат» колхоз партия ташкилотининг секретари Каримовга сўз берди. Сўзга Каримов эмас, раис Мавлонов тайёрланиб келган эди. Порторг саросимага тушди. Чўнтакларидан қандайдир қоғозларни олиб титкилади. Пировардида раиснинг кўлида сводкани олиб кўздан кечира бошлади. Лекин Ҳакимов уни сўзлашга қистамай жим ўтирарди. Каримов сводкани ўқиб бўлгунича ҳийла вақт ўтди. Хонада йўтал, шивир-шивир гаплар кучайди. Ниҳоят Каримов «ўртоқлар, бизнинг колхозда...» деб сводкадаги рақамларни ўқий бошлаган эди, Ҳакимов унинг сўзини бўлди.

— Кечирасиз ўртоқ Каримов, сводкадаги гаплар бизга маълум. Сводкада бўлмаган гаплардан сўзланг.

Каримов нима дейишини билмай ҳайрон бўлди. Раис Каримовнинг сўзга нўноқлигидан ранжиди. Аноғу гаплар мана энди очиладиган бўлди деб ўйлади. Ҳакимов Каримовга савол бера бошлади.

— Коммунистлардан неча киши нормани бажармаяпти?

— ...

— Пахта терими бошлангунча нечта колхозчининг томи сувалиши керак?

— ...

— Кўп мингчилар ҳаракатига неча киши қўшилди?

— ...

Ҳакимов узоқ ўйлаб қолди. Ҳамма шу ҳодисанинг маъзини чақиб, ҳозир Каримовга бирор чора кўрилса керак, деб ўйлай бошлади. Лекин Ҳакимов Каримовга қаттиқ гапирмади.

— Менингча масала равшан. Ортиқча гапнинг ҳожати ҳам йўқ. Бу фақат Каримовгагина хос нарса эмас. Энди бошланғич партия ташкилотлари ўз даражаларида туриб ишлашлари керак. Қачонгача улар раисларнинг паноҳида юрабердилар? Қачонгача раислар гапирса улар тўғри деб ўтира берадилар? Энди биз ҳамма ишни биринчи навбатда секретарлардан ҳам талаб қиламиз...

Бу сафар бюро унча чўзилмади. Каримов бюрода ноқулай аҳволга тушган бўлса ҳам, лекин Ҳакимовдан сира хафа бўлмади. Аксинча нимагадир суюнди. Чунки унда қандайдир янги ҳис, қандайдир янги тушунча пайдо бўлган эди. Негадир у ўзини дадил сеза бошлаган эди.

Пахта терими бошланган вақтда «Ғайрат» колхозининг бригада бошлиғи Сатторов касал бўлиб ётиб қолди. Буни эшитган Ҳакимов район докторини машинага ўтқазиб кўргани келди.

— Ҳа, ўртоқ Сатторов, нима бўлди, ёки бурга тепдими, — деб ҳазилтоифа сўради.

— Сал тобим қочиб қолди, бугун тузукман, эрта-индин ўрнимдан турсам керак, — деди Сатторов.

— Йўқ-йўқ, шошманг, роса тузалмагунингизча турманг, иш ҳамма вақт топила беради. Энг олдин бизга одамлар, одамларнинг саломатликлари керак. Шунинг учун то тузук бўлмаганингизча қўзғалманг. Мана доктор, ана келиб хабар олиб туради.

Ҳакимовнинг касал ётган бригада бошлиғи Сатторовни келиб кўриб кетгани бир зумда қишлоққа маълум бўлди.

Раис бу воқеани эшитиши билан ўзини қушдай енгил ҳис қила бошлади. Унинг кўнглидаги ғашлик, ғубор ва шубҳалар ғўё бир нафасда эриб кетгандай туюлди. Ўзини жуда тетик ва бардам сеза бошлаган бу раснинг кўнглида қандайдир илиқ ҳис мавж ура бошлади. Унинг кўз олдида шу оғир табиатли, камтар, олижаноб киши бор бўйича гавдаланиб кетди. У чин кўнгилдан эр ҳурмат билан «Мана райком секретари» деб қўйди.

Босит ХАЛИЛОВ.

# СССР Ташқи ишлар министрлигида

Америка Қўшма Штатларининг Москвадаги элчихонаси СССР Ташқи ишлар министрлигига нота юборди. Бу нотада 7 ноябрда совет қирувчи самолёти Болтиқ денгизининг бетараф жойлари тепасида АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли самолетга атака қилган деб, 8 ноябрда эса совет қирувчи самолетлари Япон денгизи тепасида Американинг иккита ҳарбий самолетига қарши ўқ отиб атака қилган, деб даъво қилинади.

СССР Ташқи ишлар министрлиги 15 декабрда АҚШ Элчихонасига жавоб нотаси юборди. Бу нотада айтиладики, пухта текшириш натижасида аниқланишича, 7 ва 8 ноябрда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли самолетлар душманлик мақсади билан Совет Иттифоқи территорияси яқинида, Болтиқ бўйи ва Узоқ Шарқ районларида атайин учган. Шу билан бирга, Америка самолетларидан бири СССР территориясига бевосита яқин жойда учиб, совет қирувчи самолетини тамомила асоссиз равишда ўққа тутган.

Совет ҳукумати ўз нотасида АҚШ Ҳукуматига қатъий норозилик билдиргани ҳолда, бундай деб таъкидлайди: Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлаётган манбалардан бирини бартараф қилиш ҳамда кишилар ҳаётининг беҳуда нобуд бўлишига олиб келадиган хатарли можароларга йўл қўймаслик учун АҚШ Ҳукумати фақат бир тадбирни кўриши, у ҳам бўлса — ўз ҳарбий ҳаво кучларининг самолетларни СССР давлат чегараларига юборишини ва бу чегараларни бузишини узил-кесил тақиқлаши зарур. Буни Совет ҳукумати бундан аввал ҳам айтган эди. (ТАСС).

## Польша ишчи партияси билан Польша социалистик партияси бирлашган куннинг ўн йиллиги

ВАРШАВА, 15 декабрь. (ТАСС). Бундан ўн йил муқаддам, 1948 йил 15 декабрда Польшада Польша Бирлашган ишчи партиясининг I съезди очилди. Бу съезд «Бирлик съезди» бўлиб тарихга кирди.

Ана шу тарихий съездда Польша ишчи партияси билан Польша социалистик партияси бирлашган эди.

«Трибуна люду» газетаси бугун бу тарихий воқеанинг гоят катта аҳамиятини уқтириб, бундай деб ёзади: Съезд Польша ишчилар ҳаракатида ярим асрдан кўпроқ вақт давом этиб келган ихтилофни тугатиш йўлида узоқ вақт зўр бериб қилинган ҳаракат ғалаба билан тугалланганлигини билдирди. Марксизм-ленинизм голиб негизига асосланган Польша Бирлашган ишчи партиясининг барпо қилинганлиги натижасида Польша ишчилар ҳаракати тарихида янги давр бошланди. Мамлакат ҳаётида раҳбарлик ролини бажарувчи ва жамиятда социал ўзгартишларни амалга оширувчи бирлашган партия, деб таъкидлайди «Трибуна люду» газетаси, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар сиёсий интилишларининг ифодачиси бўлиб қолди.

Бу бирлашиш, деб давом қилади газета, икки партия кучларининг оддий қўшилиши бўлмади. Партия кучлари кўп баравар ортди, бу эса ишчилар синфи ролининг анча ўсишига ёрдам берди. Бу иш социалистик қурилиш учун жуда кўп куч-гайрат резервларини бўшатиб берди. Ўша давргаги ҳамма муваффақиятларда — социалистик индустриалаштиришда, олти йилликнинг мустаҳкам муваффақиятларини ташкил этган ҳамма нарсада Польша ишчилар ҳаракатининг бирлашуви натижалари ифодаланмоқда.

## ГДР партия-ҳукумат делегацияси Варшавадан жўнаб кетди

ВАРШАВА, 15 декабрь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг биринчи секретари В. Ульбрихт бошчилигидаги ГДР партия — ҳукумат делегацияси бугун Варшавадан ўз ватанига жўнаб кетди.

Вокзалда В. Ульбрихт ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари В. Гомулка нутқ сўзладилар.

## СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ОЙЛИГИ ЯКУНЛАРИ

ХАНОЙ, 15 декабрь. (ТАСС). Яқинда Вьетнам Демократик Республикасида совет фильмлари фестивали тамом бўлди. Бу фестиваль бир ойдан кўпроқ давом этди. «Нян зан» газетасининг билдиришича, совет фильмлари ойлиги гоят муваффақиятли ўтган. Ханой ва Хайфон кино-театрларининг бир ўзидагина совет фильмларини 750 мингдан кўпроқ киши тамоша қилган. «Ленин тўғрисидаги ҳикоялар» «Шахсан маълум», «Павел Корчагин», «Коммунист», «Тинч оқар Дон» фильмлари айниқса катта муваффақият қозонган.

## Нью-Йоркда ҳали ҳам газеталар чиқмаётир

НЬЮ-ЙОРК, 15 декабрь. (ТАСС). Нью-Йоркда газета етказиб берувчиларнинг забастовкаси давом этмоқда. Бунинг натижасида 9 та энг йирик кундалик газета ҳали ҳам босиб чиқарилмаётир. Музокараларда ўз талабларини қаттиқ ҳимоя қилаётган иш ташловчиларнинг вакиллари билан нашриларнинг тутган позициялари ҳануз кескинлигича қолмоқда.

Газеталарни етказиб берувчи иш ташловчилар билан нашриялар ўртасидаги низоларни бартараф қилмоқ учун ҳукуматнинг воситачилик хизмати директори Нью-Йоркка келди.

Юнайтед Пресс интернейшнл агентлиги мухбирининг фикрича, Нью-Йорк лоақал яна бир кун газетасиз қолса керак.

## БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ГДР ЎРТАСИДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

ҚОҲИРА, 14 декабрь. (ТАСС). Кеча Қоҳирадан Бирлашган Араб Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасида савдо ва тўловлар ҳақидаги битимлар имзоланди.

Бирлашган Араб Республикасининг экономика министри Абдил Монейм Қайсуний Бирлашган Араб Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳақида сўзлаган қисқача нутқида қуйидагиларни таъкидлади: 1958 йилда ҳар иккала мамлакат ўртасида товар айирбошлаш қарийб 20 миллион миср фунтига етди.

3 йилга мўлжалланиб имзоланган янги битимлар савдо-сотиқнинг йиллик ҳажми камида 24 миллион миср фунтидан иборат бўлажагини кўзда тутади. Ана шу маблағ экспорт билан импорт ўртасида баббаравар тақсимланади.

## АККРАДА МИТИНГ

АККРА, 15 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча Аккрада оммавий митинг бўлди. Бу митингда Африка халқларининг кеча тамом бўлган конференциясида қатнашган бир қанча делегацияларнинг бошлиқлари нутқ сўзладилар.

Конференцияда қатнашган совет делегациясининг бошлиғи П. Азимов митинг қатнашчиларига совет халқининг муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди ва Совет Иттифоқи Африка халқларининг империализмга қарши олиб бораётган адолатли курашини узил-кесил қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлади.

Ёшлар фестивали вақтида Москвада бўлган халқ партияси аъзоси Акуа ўз нутқида бундай деди: «Мен сизларни ишонтириб айта оламанки, Совет давлати барпо қилинганидан кейин ўтган 41 йил ичида бу мамлакатнинг халқи муҳожирлар яратди. Мен Москвада шундай университетни кўрдимки, бундай университет Европадаги мамлакатларнинг бирортасида ҳам йўқ».

## Телевизор экранида

**18 ДЕКАБРДА**

**19.30.** Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун «Ўйлаб топ» деган эшиттириш.

**19.50.** Киножурнал.

**20.00.** «КПСС XXI съезди олдидан» деган эшиттириш.

**20.40** Сўнгги ахборот.

**21.00.** Киноповесть — «Герак оиласи».

## МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ КЕЧКИ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

**Тошкент марисизм-ленинизм кечки университети қисқа танаффуслар сўнг шу йилнинг 9 декабридан барча факультет ва филиалларида машғулотни бошлаб юборди.**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

## Тошкентнинг тамоша заллари

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Юрак ёнмоғи** керак (билетлар сотилган).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта программада **цирк тамошалари.** 50 лилипут артист иштирокида **музикали аттракцион.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Махсус топшириқ.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эртаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да **Тундаги из,** кундуз 4 дан **Севги учрашуви.**


## Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

**ЯНГИ ИЛМИЙ-ОММАБОП, ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ВА ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ чиқарди**

СОЦИАЛИСТИК САНОАТ, ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР, ЯНГИ ТЕХНИКА ҲАҚИДА

**Техниканинг янги кўзи.**

**Уч орденли.**

**Металларни фрезерлаш ҳақида асосий маълумотлар.**

**Тоғда қутқариш ишларини олиб борувчилар.**

КЎМИР САНОАТИ БЎЙИЧА:

**Шахталардаги тик стволларнинг тезкорлик билан проходка қилиниши.**

**Кўмирнинг ер остида газификация қилиш.**

**Шахталарда чангга қарши кураш.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА:

**Австриялик жун қирқувчи қандай ишлади.**

**Қўйчилик устаси.**

САНИТАРИЯ-ОҚАРТУВ ФИЛЬМИ:

**Бой берилган ҳафталар.**

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ БЎЙИЧА:

**СССР — АҚШ енгил атлетикачилари матчи.**

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА:

**Милочканинг касали.**

ЧЕТ ЭЛЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ҲАҚИДА:

**Қардошлик дўстлиги (К. Е. Ворошиловнинг Польшада бўлиши ҳақида).**

**Осакадаги халқаро ярмаркада.**

Электрокабельная кўча, 19-уйда турувчи **Павел Филиппович Богачёвнинг** Қорамурт кўчаси, 135-уйда турувчи Александра Николаевна Андреевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Октябрь район ижроия комитети милиция бўлимининг партия ташкилоти Тошкент шаҳар 3-милиция бўлимининг бошлиғи

Асатулла ҲИКМАТОВНИНГ

15 декабрда бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 09020. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-631.